

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ДАВЛАТ ТАШРИФИ БИЛАН ФРАНЦИЯГА БОРАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Франция Республикаси Президенти Эммануэль Макроннинг таклифига биноан 11-13 март кунлари давлат ташрифи билан ушбу мамлакатда бўлади.

Ташриф доирасида Париж шаҳрида олий даражадаги музокара ва тadbирлар, Франциянинг расмий ва ишбилармон доиралари билан қатор учрашувлар ўтказилиши режалаштирилган.

Бўлажак мулоқотлар кун тартибидан кўп қиррали Ўзбекистон — Франция муносабатларини янада ривожлантириш ва мустақамлаш масалалари ўрин олган.

Савдо-иқтисодий ва инвестиция-молиявий соҳаларда ўзаро манфаатли ҳамкорликни кенгайтириш, Франциянинг етакчи компания ва корхоналари билан кооперация лойиҳаларини илгари суришга устувор эътибор қаратилади.

Саммит якунида ҳукуматлараро ва идоралараро битимлар тўпламини қабул қилиш кўзда тутилган.

Бундан ташқари, давлатимиз раҳбари ЮНЕСКО Бош директори

Одри Азуле билан учрашиб, ташкилот Бош конференциясининг 43-сессиясига тайёргарлик кўриш ва уни жорий йилнинг кузида Самарқанд шаҳрида ўтказишнинг амалий жиҳатларини муҳокама қилади.

Бўлажак ташриф арафасида кўплаб тadbирлар ўтказилаётганини таъкидлаш жоиз.

Хусусан, 1 март кун Гретц-Арменвиль шаҳридаги “Ураноскоп” обсерваторияси ҳудудида буюк аллома Абу Райҳон Беруний сиймоси акс этган ёдгорлик очилди.

Шу кунларда Париж шаҳрида солиқни сақлаш, фан ва таълим, маданият, туризм ва бизнес соҳаларида форум ва анжуманлар ўтказилмоқда. Тулуза, Лион ва Ниццада қўшма ишбилармонлик тadbирлари бўлиб ўтади.

ЎзА

Президент қарорлари — ҳаётда ва назоратда

ИЖРО ИНТИЗОМИНИ ТАЪМИНЛАШ — АҲОЛИ ТУРМУШ ФАРОВОНЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ ГАРОВИ

Мамлакатимизда замонавий бошқарув услубларини амалиётга жорий этиш, топшириқлар ижросини назорат қилиш механизмларини такомиллаштириш ва талабчанликни кучайтириш бўйича қатор ишлар бажарилди. Натижада иқтисодий-ижтимоий ислохотларни чуқурлаштиришни таъминлаш, ҳудудларни, айниқса, маҳаллаларни барқарор ривожлантириш бўйича кенг имконият яратилди. Иқтисодий, ижтимоий ва маданий соҳалардаги тарихий ўзгаришлар ҳамда ислохотлар замирида “Одамлар эртага эмас, бугун яхши яшаши керак” деган ғоя мужассам.

Ушбу мақсадларни самарали амалга ошириш учун давлат бошқаруви тизимига “маҳаллабай”, “хонадонбай” ва “мижозбай” ишлаш каби янги тамойиллар киритилди. Шунингдек, “маҳалла еттилиги” институти жорий қилинди. Бундан асосий мақсад аҳоли ва тadbиркорлик субъектларининг муаммоларини ҳал қилиш, аҳоли учун давлат органлари вакиллари билан тўғридан тўғри мулоқот қилиш имкониятини яратишдир.



Мустақкам ижро интизомининг аҳамияти

Президентимизнинг 2021 йилдаги “Қонунчилик ҳужжатлари ижросини самарали ташкил этишда давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг

шахсий жавобгарлигини кучайтиришга доир қўшимча чора-тadbирлар тўғрисида”ги фармони туманда ижро интизомини янада мустақкамлаш имконини бермоқда.

Фармон билан ижро интизомини мустақкамлаш ҳамда ягона ва узлуксиз “технологик занжир”ни ташкил қилиш бўйича раҳбарлар шахсан эътибор қаратиши

лозим бўлган устувор вазифалар белгилаб берилган.

Туманимизда ижро интизомини мустақкамлаш бўйича ҳар бир раҳбар ходим ўзига қуйидаги устувор йўналишларни белгилаб олган:

Давоми 3-бетда

ТАДБИРКОР ҲАЯЖОНИ, ТАКСИЧИГА ТАСКИН ВА КЕНГ ГАСТРОНОМИК КЎЧАЛАР

ПРЕЗИДЕНТ ҚАРОРИДА ХИЗМАТ КЎРСАТИШГА ОИД КЎПЛАБ ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАБ БЕРИЛДИ

Шарҳ

Саноат, қишлоқ хўжалиги ва хизмат кўрсатиш соҳаси мамлакат иқтисодиётининг учта энг асосий бўғинидир. Бирламчи ресурси инсон капитали бўлган хизмат кўрсатиш соҳаси кўпгина мамлакатлар бюджетини шакллантирувчи асосий тармоққа айланиб улгурган. Хусусан, Ўзбекистонда ҳам бу тармоқ тез ўсиб бораётганини қайд этиш жоиз. Албатта, бунда соҳадаги тизимли, аниқ режа асосидаги ислохотларнинг ўрни ва аҳамияти катта.



Президентимизнинг жорий йил 27 февралдаги “Хизматлар соҳаси барқарор ривожланиши учун қулай шарт-шароитлар яратишга оид қўшимча чора-тadbирлар тўғрисида”ги қарорида 2025 йилда тармоқда қилинадиган ишлар ва ундан кутилаётган натижалар келтириб ўтилган.

Қарор ижроси билан учта асосий мақсад — шу йилнинг ўзида хизматлар ҳажмини 15 фоиз ошириб, 3 миллион кишини даромадли иш билан таъминлаш, 52 мингдан ортиқ хизмат кўрсатиш объектини ташкил этиш режалаштирилган.

Даставвал биргина хизмат кўрсатиш секторининг ўзида қисқа муддатда миллионлаб одамнинг бандлигини таъминлаш, таъминлаганда ҳам даромадли меҳнатга жалб қилиш мумкинлигига одам ишонқирамайди. Аммо соҳанинг ўзига хос жиҳатлари ҳамда мамлакатимизда ушбу тармоқда амалга оширилаётган ислохотлар билан танишгач, шубҳалар дарҳол арийд.

Давоми 2-бетда

Замондош ёшлар

ТАДБИРКОР ҚИЗ 100 ТА ИШ ЎРНИ ЯРАТДИ

Олтиариқ тумани “Тинчлик” маҳалла фуқаролар йиғинида яшаётган Нафиса Ҳалимжоновна “Ёшлар — келажакимиз” жамғармасидан 355 миллион сўмлик имтиёзли кредит олиб, тadbиркорлик фаолиятини йўлга қўйганига кўп бўлгани йўқ. Ўтган йиллар унинг ҳаёт тарзи, ишида ўзига хос воқеа ва ҳодисаларга бой бўлди. Ҳаёт синовларида тобланди, ҳалол меҳнат ва изланишлари туфайли кўпнинг эътиборига тушди.



Таэквондо бўйича ўн қарра мамлакат чемпионлигини қўлга киритган Нафиса 2011 йили Қозоғистоннинг Олмаота шаҳри мезбонлик қилган Осиё чемпионатида ҳам ғолиб бўлди. Бу муваффақият унинг ҳаёт йўлида ўзига хос имконият эшикларини очди. Ўшанда спорт йўналишида олий таълим муассасасида таҳсил олиш имкониятига эга бўлганди. Шунда ҳам Тошкент давлат юридик университетига ҳужжат топшириб, 167 балл билан тўлов контракт асосида ўқишга қабул қилинди. Лекин ишчилар оиласидан чиққан ота-онанинг ўқув шартнома суммасини тўлашга қурби етмади.

Қиз бола — палаҳмон тоши, дейдилар. Вақти келиб, тўйи бўлди. Улар оиласида ширин-шакар уч қизалоқ дунёга келди. Оила бекаси учун бундан ортиқ бахт йўқ, аслида. Турмуш ўртоғи топармон-тутармон, ҳамма шароит етарли...

Бироқ Нафисага юртга, оиласига камарбаста бўлиш туйғуси тинчлик бермади. Тadbиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш учун ғояларини атрофдагиларга айтди. Оила аъзолари унинг мақсад

ва режаларини қўллаб-қувватлади. Шу тариқа “Нафиса-Принт” оилавий корхонасига асос солинди.

— Картон қути ишлаб чиқариш йўналишидаги лойиҳамизни кўпчилик маъқулагани бежиз эмас, — дейди тadbиркор. — Туманимизда бундай маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхона йўқ эди. Матбаачилик йўналишида таълим олмаганман, лекин сўраб-суриштириб, ўқиб-ўргандим, тармоқ сир-асрорлари ҳақида етарлича маълумотларга эга бўлдим. Замонавий ишлаб чиқариш дастгоҳлари олиб келдик. Бу ишлаб чиқариш имкониятимизни оширди. Бугун 50 турдан ортиқ картон қути, қадоклаш воситалари тайёрлаб берамиз. Маҳсулотларимиз ички бозордан ташқари, яқин қўшни мамлакатларга экспорт қилиняпти. Ўтган йили хорижга 40 минг долларликдан ортиқ маҳсулот сотдик. Жорий йилда бу борадаги ишлар салмоғини янада оширамиз, экспорт географиясини кенгайтираимиз.

Давоми 4-бетда

ОДАМЛАРНИ ИШЛИ ҚИЛИШ камбағалликни камайитиришнинг энг асосий жиҳати

Бугуннинг гапи

Иқтисодиёт, инфратузилмани модернизациялаш, янги технологиялар жорий этиш ва замонавий ишлаб чиқариш қувватлари яратишда инвестиция муҳим аҳамиятга эга. Чунки инвестиция ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга, инновацион тармоқларни ривожлантириш ва иқтисодиётни диверсификациялашга ёрдам беради. Бу эса рақобатбардошликни таъминлайди.

Экспорт имкониятларини кенгайтириш ҳам барқарор ривожланишнинг яна бир муҳим омил. Бунинг учун халқаро стандартларга жавоб берадиган маҳсулот ва хизматлар яратиш, логистикани ривожлантириш, бошқа давлатлар билан савдо алоқаларини яхшилаш зарур. Иқтисодий ўсиш нафақат макроиқтисодий кўрсаткичларга, балки одамлар турмуш даражасини оширишга ҳам йўналтирилиши керак. Иш ўринлари яратиш, кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш, қишлоқ хўжалиги ҳамда хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш

— буларнинг барчаси камбағалликни қисқартириш ва аҳоли даромадларини оширишга хизмат қилади.

Бой ресурс ва интеллектуал салоҳият, стратегик жойлашувга эга Ўзбекистон учун бу йўл жаҳон миқёсида ўз макенини мустақамлаш, ҳар бир фуқаронинг муносиб ҳаёт кечириниши таъминлаш имконини беради. Шу боис, бу борада комплекс чора-тadbирлар амалга оширилишига алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда.

Давоми 2-бетда





Ўзбекистон — Франция: МАМЛАКАТЛАР ТАРАҚҚИЁТИДА ИЛМ-ФАН ВА ТАЪЛИМ — МУҲИМ КЎПРИК

Юртимизда таълим тизимини замонавийлаштириш, жаҳон талабларига жавоб бера оладиган даражага олиб чиқиш бўйича ишлар янги bosқичга кўтарилди. Шубҳасиз, бу борада халқаро ҳамкорликни йўлга қўйиш, ўзаро тажриба алмашиш катта аҳамият касб этади.

Кун кеча Парижда “Илм-фан ва таълим: Ўзбекистон — Франция кўприги” мавзусидаги қўшма конференция ўтказилди. Анжуманда мамлакатларнинг таълим соҳасидаги масъуллари, шунингдек, икки давлатнинг 30 дан ортиқ олий таълим муассасаси раҳбарлари иштирок этди. Тадбирдан асосий мақсад икки мамлакат ўртасидаги алоқаларни ривожлантириш, айниқса, илмий-техник ва таълим соҳаларида ҳамкорликни мустаҳкамлашдир.

Анжуман доирасида қўшма таълим дастурларини жорий этиш, профессор-ўқитувчилар малакасини ошириш, талабалар алмашинувини кенгайтириш бўйича олий таълим муассасалари ўртасида 20 дан ортиқ шартнома имзоланди.

Мамлакатимиздаги ислохотлар ҳақидаги видеоролик намойишидан сўнг тадбирнинг ялпи мажлиси ўтказилди.

Ялпи мажлисда Ўзбекистон ва Франция олий таълим муассасалари ўртасида икки томонлама ҳамкорлик шартномаларини имзолаш маросими бўлиб ўтди.

Тадбирнинг иккинчи қисмида бир нечта йўналиш бўйича сессиялар ўтказилди. Дастлаб “Ўзбек-француз университети”

мавзусидаги сессияда Ўзбекистон ва Франция университетлари ўртасида таълим ва маданий ҳамкорлиқнинг стратегик истиқболлари муҳокама қилинди. “Илмий-техник ҳамкорлик” мавзусидаги сессияда инновацион таълим, ижтимоий-гуманитар фанлар ва энергетика соҳаларида ҳамкорлик, “Маданий мерос ва туризм” мавзусидаги сессияда эса Ўзбекистон ва Франция мода саноати, тарихий меросни асраш ва ривожлантириш борасидаги ҳамкорлик масалаларига эътибор қаратилди.

Тадбир якунида “Ўзбек модаси: аъналар ва илҳом чўққилари” номли миллий либослар намойиши ташкил этилди. Ушбу халқаро конференция Ўзбекистон ва Франция ўртасида таълим, фан ва маданият соҳаларидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш учун мустаҳкам пойдевор вазифасини ўтади.

Шу билан бирга, Париждаги Тадқиқотчилар ва талабалар шаҳарчасида Ўзбекистон Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги томонидан ташкил этилган IV “Science NEXT: ёш олимлар нетворкинги” тадбири бўлиб ўтди. Форумда Ўзбекистон ва Франциядан ёш олимлар, стартапчилар,

ихтирочилар ҳамда илмий-инновацион соҳадаги етакчи мутахассислар иштирок этди.

Тадбирни олий таълим, фан ва инновациялар вазири Қўнғиротбой Шарипов очиб, мамлакатимизда ёш олимлар ва тадқиқотчиларга яратилган имкониятлар ҳақида сўз юритди.

— Ўзбекистон ва Франция олий таълим, илм-фан ва инновациялар соҳасида ҳамкорликни кенгайтиришга қаратилган салмоқли ташаббусларни амалга оширишни режалаштирмакда, — деди Қўнғиротбой Шарипов. — Хусусан, 182 талабани қамраб олган алмашинув дастури, 36 профессор-ўқитувчининг тажриба, 108 мутахассиснинг малака ошириши ҳамда 10 та қўшма илмий-тадқиқот лойиҳасини амалга ошириш кўзда тутилмоқда.

Шундан кейин Франциянинг Париж халқаро университет шаҳарчасидаги Ил-де-Франс ижодий уйи директори Франческо Торрини тақдимот ўтказди.

Форум доирасида Ёшлар академияси раҳбари Акбархон Собирхонов “Ўзбекистонда ёш олимлар, ихтирочилар ва инноваторларга яратилган имкониятлар” мавзусида тақдимот қилиб, бугун ёш олимларга ажратилган грантлар, илмий лойиҳалар ва стартапларни қўллаб-қувватлаш механизмлари ҳақида маълумот берди. Шунингдек, иштирокчиларга Ўзбекистон Ёшлар академияси фаолияти ҳақида видеоролик тақдим этилди.

Тадбир якунида Ўзбекистон ва Франция ёш олимлари ўртасида икки томонлама ҳамкорлик шартномалари имзоланди. Шунингдек, Ўзбекистонлик ёш олим-визитёрлари Ёшлар академиясига аъзоликка қабул қилиш маросими ўтказилди.

Жонибек АЛИЖОНОВ
тайёрлади.

Анжуман доирасида қўшма таълим дастурларини жорий этиш, профессор-ўқитувчилар малакасини ошириш, талабалар алмашинувини кенгайтириш бўйича олий таълим муассасалари ўртасида 20 дан ортиқ шартнома имзоланди.

ОДАМЛАРНИ ИШЛИ ҚИЛИШ КАМБАҒАЛЛИКНИ КАМАЙТИРИШНИНГ ЭНГ АСОСИЙ ЖИҲАТИ

Бугуннинг гапи



Бошланиши 1-бетда

Президентимиз жорий йил 4 март кун камбағалликни қисқартириш ва аҳоли бандлигини таъминлаш, инвестиция ва экспорт кўрсаткичлари бўйича ҳисобот билан танишиш жараёнида илм бошидан аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича янги тизим жорий қилинганини қайд этди.

Таъкидланганидек, ўтган даврда 208 та туман ва шаҳар ҳокимлари ҳамда банклар раҳбарлари ўртасида бу борада ҳамкорлик шартномалари имзоланди. Банк филиалларида маҳаллабай ишлаш бўлимлари ташкил этилиб, уларга маҳалла банкчилари тайинланди. Натижада январь ойида 239 минг, февраль ойида 480 минг аҳоли даромадли меҳнатга жалб қилинди.

— Утган икки ойда инвестиция ва экспорт кўрсаткичлари ҳам ижобий бўлди. Биргина февраль ойида республикамизга 3 миллиарддан ортиқ хорижий инвестиция жалб этилди, — дейди Бош вазир ўринбосари Жамшид Хўжаев. — Давлатимиз раҳбарига ҳар бир ҳудуд, шаҳар, туман ҳамда вазирлик ва идораларнинг инвестицияларини жалб этиш ҳамда ўзлаштирилганлик даражаси бўйича ҳисобот тақдим этилди.

Қувонарлиси, бу борада ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 40 фоиз ўсishга эришилган. 14 тадан ортиқ шаҳар икки ойда 50 миллиондан зиёд хорижий инвестиция жалб этган. Февраль ойида тадбиркорлар ўз йўналишлари бўйича инвестициялар жалб этиш бўйича Малайзия, Индонезия, Кувайт, Хитой ва Грузия каби қатор давлатларга

Айни пайтда олдимизда турган муҳим вазифалардан бири томорқа ва ижарага берилган қишлоқ хўжалиги ерларидан олинган даромадларни ошириш, экспортбop экинлар экиш мақсадида янги тизим асосида иш бошланди. Шу мақсадда 9 мингдан ортиқ маҳаллага 1921 та етакчи тадбиркор бириктирилмоқда. Мақсад — яхши уруғлик ва кўчатларни аҳолига кооперация асосида тарқатиш, етиштирилган маҳсулотни харид қилиш бозорини кафолатлаш.

хизмат сафарлари билан бўлди. Натижада қиймати 12 миллиард долларликдан ортиқ 128 та истиқболли лойиҳа имзоланди. Шу билан бирга, юртимизга ҳам 40 дан зиёд мамлакатнинг ийрик ишбилармон доиралари вакиллари ташриф буюрди. Улар томонидан 50 дан ортиқ шартнома имзоланди.

Бундан ташқари, янги лойиҳаларни амалга оширишда ҳар бир туман, шаҳарнинг иқтисодий салоҳиятидан келиб чиқиб, чет элдаги савдо-иқтисодий маслаҳатчилар томонидан жуда катта музокаралар ўтказилмоқда. Аҳамиятлиси, хорижий инвесторларни, тадбиркорларни Ўзбекистонга олиб келиш, ҳар бир ҳудуд жозибadorлигини кўрсатиш учун юздан ортиқ тақдимот қилинди.

Шунингдек, биринчи чорак якуни билан 8 миллиард доллардан зиёд хорижий инвестиция ўзлаштириш режа қилинган. Бунда банклар томонидан хорижий кредит линияларини беришни жадаллаштириш, халқаро молиявий институтларни фақатгина давлат

ва ўрта бизнесга жами 14 триллион сўм кредит йўналтирилди. Жумладан, тадбиркорлик дастурлари доирасида 2 триллион сўм ажратилди. Одамларга даромад топиш имкониятлари, тайёр бизнес лойиҳалар таништирилиб, уларни амалга ошириш йўллари ўргатилмоқда. Ишли бўлганлар Солиқ қўмитасида тасдиқланмоқда.

Айни пайтда олдимизда турган муҳим вазифалардан бири томорқа ва ижарага берилган қишлоқ хўжалиги ерларидан олинган даромадларни ошириш, экспортбop экинлар экиш мақсадида янги тизим асосида иш бошланди. Шу мақсадда 9 мингдан ортиқ маҳаллага 1921 та етакчи тадбиркор бириктирилмоқда. Мақсад — яхши уруғлик ва кўчатларни аҳолига кооперация асосида тарқатиш, етиштирилган маҳсулотни харид қилиш бозорини кафолатлаш.

Шу билан бирга, баҳор мавсумида томорқа ва ижара ерларда тўлиқ экин экиш, буни online-mahalla.uz платформаси орқали кузатиб бориш бўйича кўрсатмалар берилди.

Лутфулла СУВОНОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири



Шарх

ТАДБИРКОР ҲАЯЖОНИ, ТАКСИЧИГА ТАСКИН ВА КЕНГ ГАСТРОНОМИК КЎЧАЛАР

ПРЕЗИДЕНТ ҚАРОРИДА ХИЗМАТ КЎРСАТИШГА ОИД КЎПЛАБ ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАБ БЕРИЛДИ

Бошланиши 1-бетда

Хўш, нега дунё миқёсида хизмат кўрсатиш соҳасига алоҳида урғу берилмоқда? Бунинг ўзига яраша сабаблари бор. Биринчидан, ушбу секторнинг тараққий этиши ҳеч қандай экологик муаммо келтириб чиқармайди, аксинча, атроф-муҳитнинг қўдаламзорлаштирилишига ҳисса қўшади. Иккинчидан, соҳа транспорт, алоқа, савдо-сотик, ресторан ва меҳмонхона хизматлари кучайтирилиши, мамлакатда бунёдкорлик ишлари бажарилиши, шаҳар инфратузилмаси яхшиланишига хизмат қилади.

Таълим, соғлиқни сақлаш, ахборот технологиялари, компьютер хизматлари инсон ақлий меҳнатига таянгани соҳадаги кадрлар қийматини оширяпти. Шунингдек, соҳага қаратилган эътибор тез суръатда натижасини кўрсатиши ҳам унинг жозибadorлигини орттирмоқда. Сўзимизни биргина факт билан исботлаш мумкин: 2018 йилда мамлакатимизда 170 триллион сўмлик хизмат кўрсатилган бўлса, 2024 йил якунларига кўра, бу кўрсаткич 800 триллион сўмга етган, яъни беш баробар кўпайган. Юқоридаги қарор ижроси туфайли 2025 йилда соҳа яна бир поғона юксалиши кутилмоқда.

Бунга, биринчи навбатда, соҳадаги тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш, уларга турли имтиёз ва фаолиятини кенгайтириш учун қўлай шарт-шароит яратиш орқали эришилади. Шундай имтиёزلардан бири ҳудудларда хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантириш масалалари бўйича ўтказилган видеоселекторда хушхабар сифатида эълон қилинган, давлатимиз раҳбари 2022 йилдан 2025 йилгача ижтимоий солиқ ставкаси 1 фоиз этиб белгилангани, бу йил ушбу имтиёз муддати яна чўзилиб, 2028 йилгача амал қилишини айтиди.

Хусусан, савдо-сервис соҳасида муваффақиятли ишлаётган тадбиркорлардан бири Зафар Хошимовнинг ушбу янгиликни катта ҳаяжон билан ижтимоий тармоқдаги саҳифаси орқали улашгани ҳам бу имтиёзнинг ишбилармонлар учун қанчалик фойдали эканини билдиради. Қатор тадбиркорларнинг 12 фоизли ижтимоий солиқ ставкасининг 1 фоиз этиб белгилангани даромадини қаррасига кўпайтиришини, албатта, ортган маблағ ишчиларнинг ойлик маошида акс этишини айтгани Президентимизнинг қўлловига муносиб жавоб бўлди.

Қарорга кўра, имтиёз тадбиркорларнинг 30 ёшгача бўлган ходимлари ойлик маошига нисбат қилинган ҳолда амал қилиши механизмининг аҳамиятини янада оширди. Албатта, соҳани ривожлантиришда, биринчи навбатда, хусусий секторга таянилади. Аммо ишбилармонларга ўз салоҳиятини тўлақонли

намойиш этиши, тармоғини кенгайтириши учун давлат керакли шарт-шароит яратиб беради. Хусусан, қатор давлат хизматларининг хусусий секторга ўтказилаётгани тадбиркорларга билдирилаётган ишончининг яққол исботидир.

Шунингдек, хизмат кўрсатиш соҳасида янги лойиҳаларни ҳаётга табиқ этиш ҳамда тадбиркорлик субъектларини кенгайтириш учун 67 триллион сўмдан ортиқ кредит йўналтирилаётгани ҳамда бунинг учун керакли шарт-шароит ва имконият тақдим этилаётгани тадбиркорларни тармоқда янгиликларни дадил сынаб кўришга ундайди.

Хуқуқий ҳужжатнинг ўзига хос жиҳатларидан яна бири тўғридан тўғри, ижобий маънода, кўплаб аҳоли вакиллари ҳаётига таъсир ўтказадиган янги механизмлар мавжудлигида. Шундай механизмлардан бири енгил автотранспорт воситаларида йўловчиларни шаҳар, шаҳар атрофи ва шаҳарлараро ташиш фаолияти билан ўзини ўзи банд қилган шахслар шугулланиши мумкин бўлганидир.

Мамлакатимизда улови бор одамнинг аксарияти аҳолининг узоғини ақин қилиш, яъни таксичилик билан шугулланади. Айримлар учун эса бу юмуш кундалик тирикчилик манбаидир. Кўп ҳолларда ҳеч иши юришмаганлар ижарага ёки йиққан-терганга бир оз қарз кўтариб қўшади-да, машина олиб таксичилик билан шугулланади. Аммо лицензия нархи юқорилиги учун баъзилар бу ишни яширинча қилишга мажбур бўлларди. Қарорнинг юқоридаги бандига кўра, бундай ўртоқлашимиз кам сарф-харажат қилиб, расмий равишда таксичилик фаолияти билан шугулланиши мумкин.

Аммо айрим ўртоқлашимиз бу банднинг асл мазмунини ҳали тушуниб улгурмаган. Яқинда бир таксичи “Янги қарор чиқибди. Унга кўра, биз лицензия учун пул тўлашдан ташқари ўзини ўзи банд қилган шахс сифатида рўйхатдан ўтиб, унга алоҳида пул тўлашимизга тўғри келаркан. Ҳаммага имтиёз, имконият бераётган давлат негадир бизга фақат мажбурият юклатпти-да”, дея нолиб қолди.

Унга янги қарорга мувофиқ йўналишсиз такси фаолияти билан лицензия varaқаси учун давлат бoжи йилига базавий ҳисоблаш миқдориди (375 минг сўм) этиб белгиланганини, ўзини ўзи банд қилган шахс сифатида эса “Solid” мобил иловасида бепул рўйхатдан ўтиши мумкинлигини айтиди. Ҳайдовчи қарор мазмунини нотўғри тушунганини, тез лицензия олишини айтиди. Қўрқа-писа юриш роса жонига теккан экан. Бу амалиёт соҳадаги яширин иқтисодиётнинг йўқолишига, иш билан таъминланганлар сони ортишига хизмат қилади.

Эътибор берсангиз, инсон диққатга сазовор жойларда айланса, қаттиқ толиқадиган,

аммо янгиликка қизиқиб, янги таассуротлар туфайли буни сира сезмайди. Аслида, ҳордиқ чикарадиган манзилларимиз ресторан, кафе, савдо марказлари, сайилгоҳ, кинотеатр каби кўнглиочар масканлар бўлади. Бундай манзиллар савдо-сотиқ алоҳида мазмун бағишлаб, вақтимиз кўнгилли ўтишини таъминлайди. Айни шу манзилларнинг барчаси бир кўчада жам бўлиши эса ортиқча оворатарчиликлардан ҳалос этади.

Шу боис, сайёҳлик салоҳияти дунёга машҳур мамлакатларда ана шундай ўзига хос кўчалар мавжуд. Масалан, Франциянинг Эйфель минораси қанчалик машҳур бўлса, у ердаги беш юлдузли ресторан, савдо марказлари жойлашган “Champs-Élysées” кўчасининг ҳам довроти ошиб бормоқда. Ёки бўлмаса, Нью-Йоркдаги “Fifth Avenue”, Бангкокдаги “Khao San Road”, Миландаги “Via Monte Napoleone” каби кўчалар ҳар доим сайёҳлар билан гавжум. Ушбу кўчаларда туну кун ишлайдиган беш юлдузли меҳмонхоналар, маҳаллий рестороанлар, машҳур брендларнинг савдо марказлари, турли кўнглиочар масканлар мавжуд.

Мазкур қарорга кўра, марказий шаҳарларимизда шу йилнинг ўзида айни шундай 154 та туризм ва гастрономик кўча ташкил этилиши мўлжалланган. Албатта, илгор мамлакатлар синовидадан ўтган бундай бунёдкорлик ишлари шаҳарларимизнинг чиройига чирой, кўрқига кўрк қўшади. Хорижий сайёҳларни қаррасига оширади.

Юртимиздаги тарихий обидалар, ўзига хос экомуҳит, табиат манзаралари сайёҳларга маёқ бўлса, туризм ва гастрономик кўчалар улар мунгазам Ўзбекистонга келиб туриши учун ўзига тортиб турувчи оҳанрабо вазифасини бажаради. Чунки Францияда Эйфель минорасини кўргани борган одам яна бир бор айни шу манзара учун интилмайдми. У ердаги муҳит сайёҳни қайта келишга чорлайди. Бундай муҳит эса айнан юқоридаги каби шаҳар кўчаларида вуҷудга келади.

2025 йилда биргина Тошкент шаҳрида 26 та туризм ва гастрономик кўча барпо этилиши кўзда тутилмоқда. Туризм ва гастрономик кўчалар фақатгина ресторан ва савдо марказлари жойлашгани ва туну кун фаолият юритгани учун ҳам бундай номланмайдми. Улар бошқа кўчалардан жозибadorлиги билан ажралай туриши, шаҳарнинг энг чиройли, соя-салқин, яшилликка бурканган, пидеалар учун қўлай инфратузилмага эга манзиллари бўлиши кўзда тутилган.

Бундай манзиллар, ички ва ташқи туризмни ривожлантириш учун ташкил этилаётган бўлса-да, энг аввало, маҳаллий аҳоли кайфиятини кўтарадиган, маданий ҳордиқ чиқаришга кўмаклашадиган, турли маданий-маърифий тадбирлар, байрам шодиёналари ўтказиладиган гўшага айланиши ҳисобга олинмоқда.

Шу боис, туризм ва гастрономик кўчага айлантирилаётган манзилларда пидеалар ва велосипед йўллари кенгайтирилиб, қайта таъмирланганди. Кўчаларга ёриткичлар ўрнатилиб, кўкаламзорлаштириш ишлари бажарилмоқда. Шу кўчада жойлашган тадбиркорлик субъектлари: ресторан, савдо марказлари замонавий қиёфага киритилмоқда.

Ушбу ислохотлардан биринчи ўринда ўша ерда яшайдиган маҳаллий аҳоли мамнун. Сабаби бунёдкорлик ишлари таъминоти маҳалласи ободонлаштирилиши билан бирга ишсизлар ишли бўлади. Хусусан, биргина пойтахтимиздаги туризм ва гастрономик кўчаларда мингта савдо ва хизмат кўрсатиш объекти ишга туширилиб, 5000 кишининг бандлиги таъминланиши режалаштирилмоқда.

Санжар ЭШМУРОДОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ
ЎҚИШ УЧУН QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!





Президент қарорлари — ҳаётда ва назоратда

ИЖРО ИНТИЗОМИНИ ТАЪМИНЛАШ — АҲОЛИ ТУРМУШ ФАРОВОНЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ ГАРОВИ



Эркин РУСТАМОВ,
Зангиота тумани ҳокими

Бошланиши 1-бетда

биринчи, топшириқлар ижроси ва му-
рожаатлар ўрганиб чиқишлидини амалда
шахсан назорат қилиш, топшириқни ўрин-
босарга шунчаки йўналтирмай, мавжуд
масалани ўрганган ҳолда унинг оптимал
ечимлари билан етказиш;

иккинчи, топшириқлар ижросини на-
зорат қилишнинг мутлақо янгича тизи-
ми, яъни “технологик занжир” асосида
ҳуқуқий жараёнларни ҳар бир ҳаракат
бўйича соатбай тартибга солиш;

учинчи, маҳаллани ривожлантириш
дастурини ишлаб чиқишда маҳалладаги
реал ҳолатни “маҳалла еттилиги” билан
биргаликда танқидий таҳлил қилиш ва
фойдаланилмаган имкониятларга эътибор
қаратиш;

тўртинчи, топшириқларнинг аниқ
ижро механизмлари, молиявий манбала-
ри, муддатлари ва масъуллари белгилани-
шини таъминлаш орқали самарадорликни
ошириш;

бешинчи, қонунчилик ҳужжатлари ва
топшириқларнинг моҳиятини масъулла-
рга ҳамда кенг жамоатчиликка тушунтириб
бориш.

Президентимиз халқимизни рози қи-
лиш, тадбиркорликни ривожлантириш
учун шароит яратиш барча раҳбарлар-
нинг устувор вазифаси бўлиши керакли-
гини таъкидлайди.

Шундан келиб чиқиб, лавозимидан
қатъи назар, ҳар бир раҳбар қоғоз би-
лан эмас, балки юзага келган муаммо
ёки вазифа билан ишлаши, ҳар бир ри-
вожлантириш дастурини жойига чиққан
ҳолда ўрганиши, аҳоли ва тадбиркорлик
субъектларининг фикрларини тинглаши
ҳамда мавжуд ресурс ва имкониятларни
таҳлил қилиши лозим.

Мазкур тизим бўйича иш юритиш ус-
луби тўғрисида Зангиота туманини ривож-
лантириш ва маҳаллалар инфратузилма-
сини яхшилаш бўйича ҳукумат қарори
лояҳасини ишлаб чиқишимиз жараёнида
яна бир бор тасдиқини топди.

Бунда маҳаллаларда аҳоли ва тадбир-
корлар билан ўтказилган учрашувлар-
да айтилган муаммолар ҳамда жойдаги
ишларнинг реал ҳолати инобатга олинди.

Бундай ишлаш услуби, аввало, ишлаб
чиқариётган ҳужжатларнинг сифатини ва
келгусида уларни амалга ошириш имко-
ниятларини сезиларли даражада оширади
ҳамда тадбиркорликни ривожлантири-
шга, аҳоли фаровонлиги яхшиланиши-
га хизмат қилади.

Энг муҳими, Президентимиз фармон,
қарор ёки бирор дастурни тасдиқлаш-
дан олдин доим ҳокимликлар фикри ва
таклифларини сўрайди. Шахсан йиғилиш
ўтказиб, ижрони ташкил қилиш ме-
ханизмларини тушунтиради. Шунингдек,
ҳужжат ижросини таъминлашда муҳим
бўлган молиявий манбаларни аниқ бел-
гилаб беради.

Кадрлар савияси — топшириқлар ижроси натижадорлиги ва аҳоли фаровонлиги гарови

Ижро интизомини мустаҳкамлашда
ҳокимликдаги ҳар бир ходимнинг масъ-
улиятини ошириш, қатъий тартиб-инти-
зом ўрнатиш, касбий гуруҳ, меҳнатсевар-
лик ва ташаббускорлик ҳиссини уйғотиш
муҳим аҳамият касб этади.

Шу сабабли ҳокимликда масъул ижро-
чилар томонидан қонунчилик ҳужжатлари
ва топшириқларнинг сифатли бажарили-
шини назорат қилиш бўйича қуйидаги
мезонлар белгилаб олинган:

биринчи — аниқлик, яъни ҳар бир
вазифани муваффақиятли ва энг мақбул
йўл билан ижро қилиш бўйича аниқ ме-
ханизмлар белгилангани;

иккинчи — тезкорлик, яъни белгилан-
ган муддатни кутмай, топшириқни тезкор-
лик билан бажарилгани;

учинчи — ҳаққонийлик, яъни топ-
шириқ ижроси бўйича тайёрланган маъ-
лумотларнинг амалда бажарилган ишлар
билан ўзаро мувофиқлиги;

тўртинчи — тўлиқлик, яъни топши-
риқ ижросини таъминлаш натижасида
кўзланган мақсадга тўлиқ эришилганлик;

бешинчи — масъулият, яъни юклатил-
ган вазифалар ижросини ўз вақтида ва си-
фатли таъминлаш борасида масъул ижро-
чилар томонидан ўз ваколати доирасида
чоралар кўрилгани.

Шунингдек, ҳокимликда ижрочи хо-
димларнинг шахсий масъулияти ва та-
шаббускорлигини ошириш, юклатилган
вазифани ўз вақтида ва сифатли бажарган
ходимларни рағбатлантириш тизими йўл-
га қўйилган. Ушбу тизим орқали ижрочи
ходимлар рағбатлантирилмоқда.

Тумандаги давлат ташкилотлари
ходимлари ҳамда “маҳалла еттили-
ги”нинг билим ва малакасини мунтазам
ошириб бориш мақсадида қабул қилин-
ган фармон ва қарорлар ҳамда йиғи-
лиш баёнларида белгилаб берилган
вазифалар ижросини самарали ташкил
этиш юзасидан иқтисодий ўқувлар
ташкил қилинмоқда.

Мурожаатлар — ҳокимлик назоратида

Туман ҳокимлигида тадбиркорлар ва
фуқаролар мурожаатлари мунтазам қабул
қилиниб, тоифаларга ажратилган ҳолда
тегишли ижрочиларга тезкор етказилади.
Ҳокимликда мурожаатлар ижроси бўй-
ича масъул ходим томонидан ҳар бир
муражаат келиб тушганидан ечимини
топишгача бўлган жараённи назорат
қилиш тизими жорий этилган.

Ҳоким, сектор раҳбарлари ва ҳоким
ўринбосарлари маҳаллага чиққан ҳол-
да қабуллар ташкил қилиши ва мута-
саддилар билан бирга муаммоларни
жойида ҳал этиши тизими йўлга қўй-
илган.

Ижтимоий тармоқлар орқали фуқаро-
лар юбораётган мурожаатлар, жамоатчи-
лик томонидан муҳокама этилаётган му-
нозарали масалалар туман ҳокимлиги-
да тезкорлик билан кўриб чиқилади.


Бунинг учун ҳокимлик ах-
борот хизмати ижтимоий тар-
моқларни мунтазам кузатиб
боради ва туманга тегишли
маълумот пайдо бўлиши
билан дарҳол муаммони
ҳал қилиш ёки тегишли
жавоб тайёрлаш учун
ижроچига етказди. Жо-
рий қилинган ушбу ти-
зим бўйича ҳар бир му-
рожаат шахсан ҳоким-
нинг назоратида.

Самарали ижронинг натижаси — иқтисодий барқарорлик

Иқтисодий барқарорлик, аҳоли
бандлигини таъминлаш ва турмуш фаро-
вонлиги ошириш, меҳнат миграцияси ва
камбағалликни қисқартиришда тадбир-
корликни ривожлантириш муҳим аҳа-
миятга эга.

Бу борада Президентимиз таъкидла-
ганидек, “Тадбиркорликни жадал ва
янада кенг ривожлантириш учун барча
шароитларни яратиш — энг муҳим ва-
зифадир”.

Туманимизда бугун 4622 та юридик
шахс мақомига эга тадбиркорлик субъ-
екти фаолият юритмоқда. Бу борада яра-
тилган шароитлар ва имкониятлардан
самарали фойдаланган ҳолда 2024 йил-
нинг ўзида 782 та янги тадбиркорлик
субъекти ташкил қилинди.



Туманимизда бугун
4622 та юридик шахс
мақомига эга тадбир-
корлик субъекти фаолият
юритмоқда. Бу борада яра-
тилган шароитлар ва им-
кониятлардан самарали
фойдаланган ҳолда 2024
йилнинг ўзида 782 та янги
тадбиркорлик субъекти
ташкил қилинди.

Давлатимиз раҳбари 2024 йил 9 октяб-
ра Тошкент шаҳрининг бош режаси лойи-
ҳаси тақдироти билан танишиш пайтида
Зангиота туманини пойтахт билан ях-
лит агломерация асосида ривожланти-
риш бўйича топшириқ берди.

Ушбу топшириқни тумани ижтимоий-
иқтисодий ривожлантириш бўйича бел-
гилаб олган режаларимизни қайта кўриб
чиқиб, маррани янада баланд олишимиз
зарур деб тушундик.

Туманимизда саноат маҳсулотлари иш-
лаб чиқариш соҳасида фаолият юритаёт-
ган корхоналар сони 904 та.

2024 йилда 138 та янги саноат корхо-
наси рўйхатдан ўтди. Йирик корхоналар
сони 9 тага (2023 йилда 6 та), хорижий
капитал иштирокидаги корхоналар 58 тага
(2023 йилда 54 та) етди.



Натижада аҳоли жон бошига саноат
маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми бир
йилда 1,6 баробар кўпайиб, 35 миллион
сўмини ташкил қилди.

Мисол учун, Катта чинор маҳалласи-
да “Mir glass” МЧЖ қиймати 5 миллион
доллар бўлган 100 та иш ўринли ойнага
ишлов бериш лойиҳасини, Богзор маҳал-
ласида “Seven Group” хорижий корхона-
си қиймати 3,5 миллион доллар бўлган
50 та иш ўринли маиший техника ишлаб
чиқариш лойиҳасини, Чинор маҳалласида
“Trendmeat” МЧЖ қиймати 20 миллион
сўм бўлган 50 та иш ўринли гўшти қайта
ишлаш лойиҳасини ишга туширди.

Жорий йил 7 февраль куни бўлиб ўт-
ган йиғилишда Президентимиз хизмат-
лар соҳасини ривожлантириш бўйи-
ча муҳим вазифаларни белгилаб берди.
Бугун туманимизда хизматлар соҳасида
2882 та тадбиркорлик субъекти фаолият
юртмоқда. Улар 2024 йилда 4226 мил-
лиард сўмлик хизмат кўрсатган (ўсиш — 16
фоиз).

Иқтисодиётда хизматлар соҳасининг
улушини кўпайтириш ва бу жабҳада аҳо-
ли бандлигини таъминлаш асосий вазифа-
ларимиздан. Шу мақсадда 2024 йилда
туманимизда қатор савдо мажмуалари,
меҳмонхоналар, хусусий клиника, мак-
таб ва боғчалар барпо этилди.

Мисол учун, Нурафшон маҳалласида
“Alhfa-plaza trade” МЧЖ 12 қаватли бино
барпо этиб, 600 ўринли савдо дўконла-
ри, 200 ўринли меҳмонхона ва ресторон
фаолиятини бошлади. Эшонгузар маҳал-
ласида “Expekted Homes” МЧЖ томони-
дан 5 қаватли бинода 400 ўринли савдо
дўконлари, болалар ўйингоҳи ҳамда 7
қаватли автотураргоҳ қурилди.

Бу каби йирик савдо ком-
плекслари Истиқлолнинг 5
йиллиги ва Ўқибол маҳалласида
ҳам барпо этилди. Улар
жорий йилда фаолият юрита
бошлайди.

Ижтимоий соҳада хизмат
кўрсатиш ҳам алоҳида эъти-
борда. Богзор маҳалласида
360 ўринли хусусий мактаб
фойдаланишга топширилди.

Шунингдек, туманда жами 550
ўринга эга бўлган 3 та хусусий
ва 10 та оилавий боғча ташкил
қилинди ҳамда 175 қатновга эга
бўлган 3 та хусусий клиника фао-
лият юрита бошлади. Жорий йилда
Ўрта овул маҳалласида 500 ўринли за-
монавий дам олиш маскани барпо этилади.

Курилиш соҳаси Зангиота тумани
иқтисодиётининг асосий драйвер йўна-
лишларидан бирига айланди. Ўт-
ган йили туманда 1,5 триллион сўмлик
қурилиш-монтаж ишлари бажарилди. Бу
ўринда кўп қаватли уй-жойлар қурилиши
муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда.

Мисол учун, Эшонгузар маҳалласида
жами 2600 та хонадонли 19 та кўп қават-
ли уй-жой қурилиши лойиҳалаштирилиб,
бугун 1912 хонадонли 11 та кўп қаватли
уй фойдаланишга топширилди. Ушбу
уй-жойларнинг биринчи қаватида бола-
жонлар учун хусусий боғча ва аҳолига
хизмат кўрсатиш шохобчалари очилди.
2025 йилда 268 хонадонли 6 та уй фойда-
ланишга топширилади.

Бундан ташқари, Навқирон маҳал-
ласида жами 1502 хонадонли 21 та кўп
қаватли уй-жой қурилиши бошлан-
ган. Шу кунга қадар 15 та уй қурилиб
фойдаланишга топширилди. Натижада
1089 та оила уй-жойли бўлди. 2025 йил-
да эса 413 хонадонли 6 та уй эгаларига
топширилади.

Ушбу мажмуада аҳоли эҳтиёжи учун
зарур хизмат кўрсатиш объектлари
фаолияти йўлга қўйилди. Одамлар дам
олиши учун шароит яратилди. Турли
спорт майдончалари барпо этилди. За-
монавий боғчалар қад ростламоқда.

Бу каби уй-жой массивлари ҳақида
яна қатор мисоллар келтириш мумкин.
Хусусан, Богзор маҳалласида жами 1215
хонадонли 19 та, Найман маҳалласида
5500 хонадонли 89 та, Аҳмад Ясавий
маҳалласида 650 хонадонли 11 та кўп
қаватли уй-жой қуриш бўйича лойиҳа

ҳужжатлари ишлаб чиқилиб, қурилиш
ишлари бошланди.

Албатта, ушбу массивларда аҳолига қу-
лайлик яратиш учун хизмат кўрсатиш объ-
ектлари, дам олиш масканлари, спорт май-
дончалари, боғча ва мактаблар ҳам барпо
этилади.

Туманга инвестиция жалб қилиш
бўйича маррани баланд олганмиз. Ўт-
ган йили апрелда Хитойга сафаримиз
давомида келишувларга эришдик. 2024
йилда 104,3 миллион доллар миқдори-
даги хорижий инвестиция ўзлаштирилди
(2023 йилга нисбатан 3 баробар кўп).
Жумладан, Хитойдан 59,9 миллион



доллар, Туркиядан 22,3 миллион дол-
лар, Россиядан 10 миллион доллар,
бошқа манбалар ҳисобидан 12,1 мил-
лион доллар жалб қилинди.

Мисол учун, “Expekted Homes” МЧЖ
турар жой бинолари ва савдо мажмуалари
қуриш лойиҳасига Хитойдан 19,9 мил-
лион доллар, “Quyosh nuri barchaga” МЧЖ
савдо комплекси ташкил қилиш лойиҳа-
сига Туркиядан 4,6 миллион АҚШ дол-
лари, “Foamline Vostok” МЧЖ поролон
ишлаб чиқаришни кенгайтириш лойиҳа-
сига Россиядан 5 миллион доллар қийма-
тида инвестиция йўналтирилган.

2024 йилда 22 та янги корхона экс-
портга жалб қилиниб, экспорт қиймати
89 миллион АҚШ долларини ташкил қил-
ди (2023 йилга нисбатан 1,5 баробар кўп).
Экспортнинг асосий қисми Қозғоғистон
(20,2 миллион доллар), Туркия (16,5 мил-
лион доллар), Россия (16,4 миллион дол-
лар), Хитой (13,1 миллион доллар) ҳисса-
сига тўғри келди.

Мисол учун, “Techno cable group”
МЧЖ 11,9 миллион долларлик кабель,
“Foamline Vostok” МЧЖ 10,5 миллион
долларлик поролон экспорт қилди.

Камбағалликдан фаровонлик сари

Аҳоли фаровон яшashi ва камбағаллик-
ни қисқартириш учун одамларни даро-
мад келтирувчи иш билан банд қилиш
— муҳим вазифа. Бу жараёнда тадбир-
корларнинг ўрни катта.

Ҳозир барча имконият яратилган.
Фақат ватанпарварлик, фидойилик ва
темир интизом билан ишласак, Зангиота
туманини ишсизликдан ва камбағал-
ликдан холи ҳудудга айлантира оламиз.

Қайд этилганидек, туманимизда ўтган
йилнинг ўзида юридик шахс мақомига эга
782 та янги тадбиркорлик субъекти ташкил
қилинди. Бундан ташқари, 1417 та янги

якка тартибдаги тадбиркор фаолияти-
ни бошлади ва бугун туманда улар сони
6 мингдан ошди.

2025 йилда 35 минг кишининг банд-
лигини таъминлашни режа қилиб олган-
миз. Бу режа маҳалла ва сектор кесимида
таксимланиб, халқ депутатлари туман ке-
нашга муҳокама қилинган ва тасдиқлан-
ган.

Президентимизнинг 2024 йил 23 сен-
тябрдаги қарори билан тасдиқланган “Кам-
бағалликдан фаровонлик сари” дасту-
рида “Камбағал оилалар учун еттига
имконият ва масъулият”, яъни бандлик
ва юқори даромад топиш, таълим олиш ва



касб-хунар ўрганиш, тиббий ва ижтимоий
хизматлардан фойдаланиш, маҳаллалар ин-
фратузилмасини ривожлантириш, яшаш ша-
роитини яхшилаш, давлат органлари ходим-
лари билан тўғридан тўғри мулоқот қилиш
тамоийилари белгиланди.

Дастурга асосан, ҳудудимизда 2025
йилда 1250 та оилани камбағалликдан
чиқариш бўйича зарур чора-тадбирлар
кўрилиб, камбағаллик даражаси 3,8 фоиз-
га туширилади.

Туманимиз аҳолисининг эллик фоздан
ортиги ёшлардан иборат. Улар ҳар томон-
лама барқамол бўлиб вояга етиши учун
барча шароитни яратиб бериш бизнинг
асосий вазифамиз. Шу бонс, мактабларда
ўқувчилар бекам-қўст таълим олиши учун
бор имкониятларни ишга солиб, 2024 йилда
6 та мактабга янги замонавий компьютер
жамланмалари олиб берилди. 7 та мактаб
музыка асбоблари, 10 та мактаб бадий ада-
биятлар, 30 та мактаб спорт инвентарлари
билан таъминланди. Вилоят ҳокимлиги та-
шаббуси билан ўтказилган акция доирасида
ота-оналар мактабларга 20 мингдан зиёд
китоб ҳадя қилди.

Туманимиз пойтахт билан чегарадош.
Шу бонс, иқтисодий ўсиш билан бирга аҳо-
ли сони ҳам ошиб бормоқда. Аҳоли эҳтиёжи
ва тумани ривожлантириш йўналишлари-
ни ҳисобга олган ҳолда йўл инфратузил-
масини яхшилаш ва жамоат транспортидан
фойдаланишни кенгайтириш ҳамда туман
иқтисодиётининг яна бир драйвери
бўлган логистика марказлари ва саклаш
хизматлари фаолиятини янада фаол-
лаштириш бўйича ўзимизга қўшимча ре-
жалар белгилаб олганмиз.

Биз — ҳокимлик жамоаси ижро этув-
чи орган сифатида топшириқларнинг ўз
вақтида ва сифатли бажарилиши муҳим-
лигини ҳис этган ҳолда самарали ижро
интизомини жорий қилиш борасида
мунтазам ишлашимиз. Бунинг учун бар-
ча шароит ва имконият яратилган.



www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz.uz



Обод хонадон

Аслида, бунга анча бўлганди. Ўшанда совуқ таъсирими ёки бошқа сабабми Ойбек аканинг чап қўлида оғриқ пайдо бўлди. Анча вақтгача даво излаб юрди. Шу пайтлари негадир шифокорга бормай, табиий гиёҳлардан шифо топишни истади. Айрим манбаларни varaқлашга тушди. Изланди. Малакали кишиларнинг маслаҳатига қулоқ тутди. Ўзича қилмаган амали қолмади. Лекин қилган муолажалари дардига шифо бўлмади. Шунга қарамай, чора қидиришдан сира чекинмади.

Худудлар ҳаёти



4 сотих иссиқхонадан 400 миллион сўм даромад

ЁХУД ШАҲРИСАБЗДА ҚУЛУПНАЙ ДАРАХТИ ПАРВАРИШЛАНМОҚДА

Кимдир папая дарaxти меваси унинг дардига яхши шифо бўлишини айтиб қолди. Ойбек ака тез ушбу дарaxтни излашга тушди. Лекин қовун дарaxти ҳам деб аталадиган бу ноёб мевали дарaxт кўчатини топишнинг ўзи бўлмади. Цитрус мевали ниҳоллар ўша пайтлари бу атрофда экилмас, шу сабаб хориждан олиб келинарди. Орадан кўп ўтмай, айнан қовун дарaxтининг мевасини топишга эришди.

ман. Бундан ташқари, қизикувчилар келиб сўраб туради. Доим маслаҳатларни бериб бораман, — дейди Ойбек Мавлонов. — Билсангиз, папая инсон саломатлиги учун жуда фойдали. Мен ҳам айнан соғлигимга кераклиги учун излаганман. Меваси катта, қовундек бўлади. Бир килограмми бозорда 250 минг сўм атрофида туради. Донаси олти кило тош босади. Бир тутидан



Атиги икки сотихли иссиқхонадан олинаётган даромадни чамалаб кўрган киши боғбонга тасанно айтиши шубҳасиз. Бу ерда баъзилари мева берган, баъзилари энди гулга кираётган ниҳолларнинг номини бирма-бир санаймиз: филоха, гуава, Хитой мандарини, Эрон апельсини, қандли олма, Тяхара мандарини, Хитой мевокаси... Ажаблаларлиси, Ойбек ака шуларнинг барчасини иқлим шароитимизга мослаштира олган.

Айни пайтда Ойбек Мавлонов ушбу дарaxтлар кўчатини етиштириш билан ҳам шугуллана бошлади. Қиммат турадиган мазкур ниҳолларни кўпайтириш осон кечмаётгани аён. Тўрт сотих томорқасидан бир йилда 400 миллион сўмдан зиёд маблағ ишлаб топмоқда.

Турмуш ўртоғи, икки ўғли, келини доим унга ёрдамчи. Ҳаммаси оила бюджетини бойитиш учун меҳнат қилмоқда. Олийгоҳда ўқиётган келин ва қизнинг тўлов-шартнома суммаси томорқадан келадиган даромаддан қопланади.

— Ҳозир Ойбек аканинг тажрибасини бошқа хонадонларда ҳам жорий этиш борасида ишляпмиз, — дейди Ҳожимайдон маҳалласидаги ҳоким ёрдамчиси Элдор Ҳудоев. — Унга қўшни тўртта оила бошлиқлари билан гаплашиб, иссиқхона қуришни келишиб олдик. Аввалроқ айримлар банан дарaxти экканди. Аммо қишда яхши асрай олмагани боис, ниҳоллар нобуд бўлган. Энди Ойбек ака ўзи бош бўлиб, мунтазам маслаҳат ва тавсияларини бериб боради. Мақсадимиз обод хонадонларни кўпайтиришдан иборат. Бундан ташқари, оилалар даромадли бўлиб, турмуш янада яхши бўлишига имконият яратишни ният қилганмиз.

Ойбек Мавлонов бу ишлар билан тўхтаб қолмоқчи эмас. Ўтган йили танишлари орқали Жанубий Кореядан аватар навли узум қаламчасини олиб келтирган. Айтишча, бир дона қаламчани 30 доллар атрофида сотиб олган. Ўзига хос ноёб навли бу узумни айни пайтда Шаҳрисабз туманида кўпайтириш ишларини бошлаб юборган.

Бундан ташқари, изланувчан боғбон яқинда Кавказ томонларда ўсадиган қулупнай дарaxти ниҳолини ҳам келтирибди. Ҳозир ушбу дарaxт кўчати парваришланмоқда. Агар иқлимимизга тўлиқ мослаштирилса, кейинчалик буни ҳам кўпайтириш устида ишлайди. Боғбоннинг фикрича, унинг меваси қулупнай шаклига ўхшаш. Шу сабаб қулупнай дарaxти деб аталар экан.

Умуман олганда, Ойбек Мавлонов тажрибаси Шаҳрисабз туманида оммалаштирилмоқда. Бунинг учун эса изланишлардан тўхтамайдиган боғбон беминият ёрдамчини аямаяпти.

Акбар РАҲМОНОВ,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири

ЭЪТИБОРДАН ЧЕТДА ҚОЛМАСЛИК ҲАРАКАТИДА

Юрт ободлиги, эл фаровонлиги йилдан йил яхши бўлиб борапти. Чин маънода ўтган йил ҳам ободонлаштириш ва халқ турмуш даражасини юксалтириш йили бўлди, десак муболага эмас.

Масалан, Сурхон воҳасининг энг чекка қишлоқ ва маҳаллаларидаги ҳар битта муаммо эътибордан четда қолмади. Амалга оширилган хайрли ишлар бу йил ҳам давом этмоқда. Хусусан, Шеробод туманидаги Пашхурт маҳалласида тадбиркорликни ривожлантириш, камбағалликни қисқартириш, аҳолини касб-ҳунарга йўналтиришга алоҳида эътибор қаратилган. “Маҳалла еттилиги” қишлоқдаги 634 та хонадондаги ёш боладан кексагача ҳамма-ҳаммани яхши танийди.

Йил бошидан уйма-уй юриш орқали хатлов ўтказилиб, 76 нафар ишсиз борлиги аниқланди.

Пашхурт маҳалласига бириктирилган вакиллар “Истак бору, илож йўқ”, деб катта иш бошлашга маблағ тополмай юрган маҳалладошларининг сони қанчалигини ҳам аниқ билади, десак муболага бўлмас.

Ўрта тегирмон кўчасида яшовчи Аббос Расулов анча вақтдан буён ишсиз эди. Ҳоким ёрдамчисининг ўрганиши ҳамда Аббос Расуловнинг қизқишига қараб 10 миллион сўм кредит асосида унга саргарошхона асбоб-анжомлари олиб берилди.

— Авваллари ҳар йили баҳордан кузгача хорижда ишлаб келардим. Бу йил эса ҳоким ёрдамчисига ўз режаларимни айтгандим, қўллаб-қувватлади. Энди ишли бўлдим, — дейди Аббос Расулов.

Шеробод туманининг аксар маҳаллалари аҳли деҳқончилик, боғдорчиликни санъат даражасига кўтарган. Бироқ оқар сув тақчиллиги ҳар доим туманининг омилор деҳқон ва боғбонларига катта муаммолар туғдирарди.

Хусусан, Пашхурт маҳалласи ҳам ушбу умумий муаммодан холи эмас. Ҳовлисидаги олмазори ва анорзори билан туман бозорлари тўқнлигига хизмат қилаётган Давлатназар Райимқулов ҳам артезиан кудуқ қаздириш ҳаракатида тушиб қолди. Бироқ бу осон кечмаслигини биларди. Нима қилиш керак? Дарҳол ҳоким ёрдамчиси кўмакка ошиқди. Саноқли қунар ичида Давлатназар Райимқулов 15 миллион сўм банк кредитига эга бўлди.

— Маҳаллада сув муаммоси бор. Қиш серёгин келса, боғ ҳосили яхши бўлади. Қўрғоқчил маҳаллалар эса яхши ҳосилни қўтишдан фойда йўқ, — дейди Давлатназар Райимқулов. — Давлатнинг қўмағи билан имтиёзли кредит олиб, артезиан кудуқ қаздирдим. Шундай кўмак бўлса, муаммоларимиз тез ечим топади.

Пашхурт қишлоғининг Учғоч маҳалласида яшовчи Наргиза Турсоатова эсини танибдики, чеварликка қизиқади. У ўз фаолиятини кенгайтиришни, маҳалладаги чевар қиз-жуванларни ишга жалб қилишни кўнглига туқканди. Орузси рўёбга чиқиб, имтиёзли кредит асосида 2 дона тикув машинаси сотиб олди.

— Йигирма беш йилдан буён шу касб ортдан кун кечирардим. Энди ишни кенгайтирялман. Ўзим ва яна иккита шогирдим ишляпмиз. Ранг-баранг либослар тиякпимиз. Ҳаммасига сабаб ҳолингиз қандай деб сўраб

келгувчи давлатнинг вакиллари борлиги, — дейди Наргиза Турсоатова.

Чиндан ҳам, бугун “Маҳалла еттилиги” аҳоли муаммолари тез ҳал этилишида муҳим омил бўлмоқда. Шеробод туманининг Ёўрин-Ғиламбоб маҳалласида ҳам аҳоли бандлигини таъминлаш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш мақсадида ўтган 2024 йил мобайнида аҳоли қизиқишига қараб турли йўналишда 3 миллиард 381 миллион сўм кредит ажратилиб, 134 фуқаронинг бандлиги таъминланган.

Мисол учун, Ғиёс Абдуназаров ўз қобилиятига яраша иш топиш учун кўп идоралар эшигини муттасил қоққан орзумандлардан бири. Маҳалладаги ҳоким ёрдамчиси тақлифи ва кўмағи билан 100 миллион сўм кредит эвазига автомобил-лара сервис хизматини кўрсатиш шохобчасини очди. Ҳозир Ғиёс Абдуназаров дам олишга фурсат топмайди. Тадбиркор сифатида элининг дуосини олиш қатори маҳалладаги 12 кишини ишли қилди.

Маҳаллаларда “Ишил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида кенг миқёсда ишлар амалга оширилмоқда. Аниқ гапки, бугунги кунда кўчатчилик ва гулчилик яхшигина даромадли бизнес.

Ўўрин-Ғиламбоб маҳалласида яшовчи Холиқул бобо Чориев ҳам 12 йилдан буён оилавий гулчилик билан шугулланиб келади. Ўз томорқасида 30 миллион сўм кредит эвазига 4 сотихли иссиқхона қуриб, гул парваришламоқда.

— Инсонни икки нарса тарбиялайди. Бири китоб бўлса, иккинчиси меҳнат. Хонадонимда бир ярим минг дона сара адабиёт жамланган мўъжазгина кутубхонам бор. Гулчилик билан шугулланишим учун яхшигина иссиқхона. Шукр қиламан. Шу иккинсининг ортдан маҳалла мени танийди, — дейди Холиқул бобо Чориев.

Ўўрин-Ғиламбоблик Суннатулло Муродуллаев ҳали ёш бўлишга қарамай, ҳовлисида 200 боғ йирик шохли қорамол боқмоқда. Суннатулло нафақат ўзини, балки ўнлаб маҳалладошини доимий иш билан таъминлаган.

— Чорвачилик — зўр соҳа. Мактабни битиргандан сўнг кўп тендошларим осон пул топиш йўллариини қидирди. Мен секин-аста шу бўрдоқчиликни бошладим. Бу аввалга кўпгина яқинларимга ҳам ёқмаган. Ўзингга, ёшингга, замонга қараб иш қилсан-чи, деганлар бўлган. Чорвачилик хайру барака ётилган соҳа. Ҳозир 25 та ишчи-ҳодимни иш билан таъминлаганман, — дейди ёш тадбиркор Суннатулло Муродуллаев.

Бир ҳақиқат бор. Инсонга аслида йўқчилик эмас, эътибордан четда қолмоқчилик кўпроқ азоб беради. Бугун одамларнинг дардига қулоқ тутуш орқали аҳоли ҳаётини тубдан ўзгартириш имконини берадиган давр келди. Бу фурсатни, лаҳзани тутиб қолиш эса ҳар кимнинг ўз қўлида!

Сарвар ТўРАЕВ,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири



Замондoш ёшлар

ТАДБИРКОР ҚИЗ 100 ТА ИШ ЎРНИ ЯРАТДИ

Бошланиши 1-бетда

Ишлар шу тариха аста-секин юриша бошлади. Меҳнатга яраша даромад ҳам олинди. Бу имкониятлар ёш тадбиркорни янги ғоя ва мақсадлар сари етаклади, ўқиш, изланишга қорлади. Матбаачилик соҳаси ривожланган мамлакатлардан замонавий ишлаб чиқариш ускуналари, хомашё олиб келди. Натижада қадқоқлов қутилари ишлаб чиқариш имконияти янада кенгайди.

— Корхонамизда ишлаб чиқарилаётган керамик плиталарни қадқоқлаш учун керакли қутиларни хориждан олиб келардик, — дейди Қувасой шаҳридаги “Fergana segatiks” корхонаси раҳбари Хусанбой Насриддинов. — Энди маҳаллий бозордан харид қилиш имкониятига эга бўлдик. Бу маҳсулот сифатини ошириш билан бирга,



Шероб Турсоатова оёган суратлар.

таннархини арзонлаштириш ва ортиқча оврагарчиликларга барҳам берди.

Тадбиркор Нафиса Ҳалимжоновна савй-ҳаракати билан ташкил этилган корхонада доимий 30 та, касаначилик асосида 70 та иш ўрни очилди. Устой-шоғирд анъанаси йўлга қўйилгани ишчилар сафини кенгайтириш, ишлаб чиқариш ҳажмининг ошириш имкониятини бермоқда.

— Ишга келганимга уч йил бўлди, — дейди “Дўстлик” маҳалла фуқаролар йиғинида яшаётган Мухлиса Жомиева.

— Корхона уйимизга яқин бўлгани учун рўзгор юмушлари, фарзандлар таълим-тарбиясига ҳам кўз-қулоқ бўлиб тура-миз. Ойлик маошимизни вақтида оляпмиз. Бепул тушлик билан таъминлаш, байрам-ларда қўшимча рағбатлантириш йўлга қўйилган.


Ёш тадбиркор изланиш ва интилишдан тўхтагани йўқ. Айни кунда “Олтириқ” кичик саноат зонасида умумий 500 минг АҚШ доллари қийматидаги лойиҳа асосида қоғоз, бир марта ишлатиладиган

санитар идишлар тўплами, нам даструъмол (салфетка) ишлаб чиқариш йўналишида янги лойиҳалар амалга ошириляпти. Натижада махсулот тури кўпаяди, ишлаб чиқариш ҳажми икки ҳисса ортади, юздан ортиқ иш ўрни очилади.

— Президентимизнинг 14 февраль куни ёшлар билан мулоқотда айтган фикрлари, тадбиркор ёшларни қўллаб-қувватлаш мақсадида қабул қилинган муҳим ҳужжатлар, яратилган имтиёз ва имкониятлар янги ғоя ва мақсадлар йўлида изланишга даъват этди, — дейди ёш тадбиркор. — Олтириқда узум кўп етиштирилади. Аммо уларни қадқоқлаш учун махсус идишлар йўқ эди. Ёғоч қутиларнинг таннари қиммат. Шуларни ҳисобга олиб узумчи боғбонлар талабига мос, кичик қадқоқлов қутилари тайёрлаб берялмиз. Бу сархил узумларни сақлаш, манзилга нест-нобуд қилмай етказишда ўзига хос қўлайликлар беради. Ундан бир эмас, бир неча марта фойдаланса бўлади.

Янги Ўзбекистон ҳаётида фаол иштирок этаятган олтириқчилик ёш тадбиркор эзгу ташаббуслари ҳақида ҳар қанча гапирсак оз. Унинг савй-ҳаракати билан янгидан янги ишлар чиқариш ва хизмат кўрсатиш тармоқлари буй кўрсатиб, аҳоли бандлиги таъминланиб, фаровонлиги ошмоқда.

Расулжон КАМОЛОВ,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири



Инсоният тамаддуни тараққиётига турли соҳалар — илм-фан, маданият, санъат давлатчилик асосларига бекиёс ҳиссасини қўшгани билан эътироф этилади. Буюк ипак йўли чорраҳасида цивилизациялараро мулоқот ва рақобат муносабатларида пешқадам бўлиб келган заҳматкаш ўзбек халқи ҳозирги таҳликали замонда ҳам ўзининг қатъий позициясига эга.

ҲОЯДА ҚУВВАТ БОР

“Янги Ўзбекистон” ғоясининг асл моҳияти узоқ асрлар мобайнида тамаддунлар беланчагини тебратган танги ўзбек халқининг халқро майдондаги имижини янада юксакларга кўтаришдан иборат. Ушбу жиҳатдан мазкур оқилона сиёсат тарихан бекиёс аҳамиятга эга. Узлуксиз иқтисодий-иқтисомий ҳамда сиёсий ислохотлар орқали юртимизни ҳар томонлама модернизация қилиш яқин ўтмишимизда кам кузатишдан ҳодисалардан биридир. Нафақат юқорида келтирилган йўналишлар доирасида, балки халқимизнинг умумий дунёқарашини, танқидий тафаккури ва мушоҳада қила олиш қобилиятини уйғотиш ҳам узокни кўзлаб юритилаётган давлат сиёсатининг асл мақсадларидан саналади.

Шу мақсадда амалга оширилган ишлардан Конституция ислохоти ҳам бунга аққол мисол бўла олади. Бош қонунимиздаги ўзгаришларнинг тағ замирида энг олий қадрият — инсон қадрини янада улуғлаш ва унга ижтимоий-иқтисодий хавфсизлик бера оладиган янгича тамойилларнинг киритилиши халқимизнинг келажакка ишончини яна мустаҳкамлаши тайин. Инсонни улуғлаш, уни ҳар томонлама муҳофиза қилиш янги Ўзбекистоннинг олий мақсади, Президентимизнинг ижтимоий давлат қуриш ташаббуси эса чин маънода сиёсий иродаларидир.

Яқин тарихда шундай оқилона сиёсат йўлини таллаган миллат қаҳрамонлари етишди чиққан. Масалан, Сингапур миллий қаҳрамони Ли Куан Ю. Икки лидери бирлаштириб турувчи энг асосий ҳислат янгиликларга бўлган иштиёқ ва пухта ўйланган ислохотлардир.

“Ислохот” атамасига турлича ёндашиш ва таъриф бериш мумкин. Аммо унинг асл моҳияти бир оз бошқачадир. Яъни уни миллатни ўзгаришларга, порлоқ келажакка ишонтира олиш, дейиш мумкин.

Дунё учинчи жаҳон уруши ённки ядро уруши бўлганда келиб қолган айни вақтда қўшни қардош мамлакатлар билан совуқлашиб кетган ўзаро муносабатларни қайта тиклаш



ташаббуси ҳам юртимиз тарихида ўчмас из қолдирди. Қолаверса, қардош халқларнинг қадимий цивилизациявий ришталарини қайта тиклаш ҳам янги Ўзбекистоннинг елкасидagi масъулият ҳисобланади.

Цивилизациялар табиятига кўра, эволюция йўлини бошдан ўтказди. Яъни ривожланишнинг тарихий ислохотлари орқали камолотга етади. Юртимизнинг қадимги ислом цивилизацияси тараққиётига қўшган ҳиссаси ниҳоятда бекиёс. Она заминимиздан етишиб чиққан забардаст алломаларга муносиб авлод тарбиялаш орқали Учинчи Ренессанснинг барпо этиш ҳам оқилона сиёсат меваси, заҳматкаш ўзбек халқининг ширин қисматиридир.

Ушбу сиёсат доирасида миллатимизнинг қора кунларида илм чироғи билан осмонимизни нурафон қилишга уринган янгилик тарафдорлари — жадид боболаримизнинг пок хотиранлари тикланиши, шунингдек, улар тарихини янада чуқур ўрганиш орқали тарихий сабоқ олиш ҳам янги Ўзбекистон номига хос ва мосдир. Ҳар томонлама ўрнатилган була оладиган илмталаб аждодларимиз борлигини таъкидлаш ёшларимизга бугунги таҳликали замонда ўз ўрнини топишда том маънода маёқ вазиасини ўтаб бериши шубҳасиз.

Учинчи Ренессанс жадидларнинг пок хотирасини мадҳ этмасдан туриб амалга ошириш мантисқисизлик бўлар эди. Қолаверса, юртимиз аҳолисининг демографик ўсиши қувворлари даражада юқорилигини факт сифатида келтирадиган бўлсак, инсон капитали янги Ўзбекистоннинг Учинчи Ренессанс кўриш парвозидаги мустаҳкам қанотларини бўлиб хизмат қилиши тайин.

Ҳар хитой ва япон цивилизациясида кузатилаётган аҳолининг демографик ўсиш суръатлари кескин пасайиб бораётган айни дамда мамлакатимизда кузатилаётган тамомла ижобий кўрсаткичлар ҳам порлоқ келажакимизга ишорадек гўё.

Цивилизациявий ўзига хослик ҳозирги глобаллашган дунёда ниҳоятда катта

фатида кўрган Хантингтон бунинг бир қанча сабабларини келтириб ўтган. Яъни биз ҳозир кўр-кўрона ошқабётган Ҳарб цивилизацияси алақачон маънавий таназулга учраган. Гарчи иқтисодий ва ҳарбий қудратда тенгчи йўқ бўлса ҳам, “Ислом цивилизациясининг асосий қудрати ундаги қадриятлар, муқаддас тушунчаларнинг асл ҳолатида сақланиб қолганлигидир”, дейди Хантингтон.

Хусусан, оила муқаддаслиги, оила институтининг жамият тараққиётидаги роли бекиёс, бир сўз билан айтганда, цивилизациявий ўзига хосликка путур етмагандан деб таъкидлайди. Ушбу жиҳатлар ҳозирги кунда янги Ўзбекистонда кузатилаётган аҳолининг демографик ўсиши баландинига бевосита боғлиқдир. Иқтисодий жиҳатдан тексари тенденцияни кўришимизнинг Ҳарб цивилизациясида ёки Япония цивилизациясида кузатилишининг асл сабаби ҳам шундир. Парадокс. Ушбу нукта назардан фикр юритадиган бўлсак, бизда ҳеч қайси цивилизацияларда кузатилаётган тенденция — инсон капитали ўсиб боришининг ўзи порлоқ келажак қуриш асосларидан биридир.

Шуни аналган ҳолда, Президентимиз миллат орзу-умидларини ифода этган янги Ўзбекистонда цивилизациявий тараққиётга ургу бериб, Учинчи Ренессанс қуриш заруратини халқимизга, хусусан, ёшларга яна бир бор эслатиб, юксак ишонч билдирди.

Янги Ўзбекистон олдига худди тарихда бўлгани каби бутун ислом цивилизациясининг тараққиёти вазиаси ҳам юклатилгандек гўё. Биз бу вазиаси миллат ўлароқ удалаганимиз ва яна бир бор удалаймиз.

Бекдавлат АЛИЕВ,
фалсафа фанлари доктори,
профессор,
Исломбек РАҲМОНБЕРДИЕВ,
таянч докторант



АҲАМОНИЙЛАР ЎЗИГА ХОС ДУНЁ ТАНУВ ДАВРИ

Ўзбек давлатчилиги уч минг йилдан ортиқ мураккаб йўлни босиб ўтган эҳлит тарихий жараёндир. Неолит ва бронза даврлари ҳамда илк темир асри давомида минтақада шаклланган юксак цивилизация жараёни, ўз навбатида, минтақа давлатчилигининг тамал тошини ҳам қўйган. Бу тамаддуннинг иқтисодий замини технологик жиҳатдан мураккаб сўғорма деҳқончилик, хонаки ва яйлов чорвадорлиги хўжалигига таянган. Янги ижтимоий меҳнат тақсимооти натижасида мустақил ишлаб чиқариш соҳасига айланган ҳунармандчиликнинг ҳам жараёндаги ўрни алоҳида эди.

Меҳнат маҳсулотларини тақсимлашнинг илк товар алмасув шакллари туфайли ижтимоий мулкый табақаланиш ҳодисаси кузатишган. Жамиятда кундалик заруратдан ортувчи маҳсулот захираси пайдо бўлиши тақсимлаш муаммосини юзага келтирган. Бу ўзига хос сиёсий иқтисодий куртаклари эди. Жамиятда катта-кичик сойлар ва дарё ҳавзалари бўйлаб илк ҳудудий бошқарув тизимлари шаклланган. Уларнинг таркибий хусусиятларини ҳолисона билмоқ давлатчиликнинг ибтидосидан бошлаб тўғри аниглаш имконини беради.

Хуллас, Ўзбек давлатчилиги тарихи Марказий Осиё минтақасида кечган тарихий жараёнларнинг узвий, ҳатто марказий бўғин бўлгани алоҳида эътиборга лойиқ. Зеро, бугунги Ўзбекистон географик жойлашувига кўра, узок ўтмишдан бошлаб бир томонини бепоён чўллардаги кўчманчи чорвадорлар яратган ўзига хос маданият билан ошно ва товар айирбошлаш муносабатларида бўлган. Бошқа жиҳатдан, тоғли ва тоғолди ҳудудларнинг водий ва воҳа маданий жараёнига уйғунлашувига хизмат қилган. Қолаверса, Ўзбекистон Жануби-ғарбий Осиёнинг қадимий цивилизациялари таъсиринан ҳам холи эмасди. Бу омиллар Ўзбек давлатчилигини айни бронза даври ва илк темир асридан сарҳисоб қилишни назарий жиҳатдан оқлайди.

Ўзбек давлатчилиги тушунчаси, Марказий Осиё минтақасида этник ва тиллар турлилигидан қатъи назар, илк туркий аждодлар билан бирга форсийзабон халқларнинг иштирокчили ҳам инкор этмайди. Чунки миллатдан аввалги II минг йиллик ўрталаридан бошлаб, асосан, Марказий Осиё орқали кечган орий қабилаларининг миграцияси минтақамизда туркий ва форсийзабон халқлар тарихий тақдирларини уч-уч ярим минг йиллар аввал туташтирган.

Орийлар миграцияси ҳинду орий ва ҳинду эроний тармоқларга бўлиниши қадимги Эрон платоси ҳамда қадимги Ҳиндистоннинг туб цивилизация жараёналарини мутлақо янги ўзанага буриб юборди. Ҳиндистонда Хараппа маданияти вайроналари устида ведалар даврига хос қадимги ҳинд тамаддуни илдиш ота бошлади. Эронда миллатдан аввалги Элам цивилизацияси даври тугаб, эроний маданий жараёнлар бошланди.

Марказий Осиёда эса илк туркий ва эроний қабилалар маданий-тарихий қоришуви жараёнига асос солинди.

Миллатдан аввалги I минг йилликнинг иккинчи ярмидан бошлаб минтақада ўзбек давлатчилигининг ўзига хос даври бошланади. Бу давр давлатчилигининг бир неча ўчоқларини вужудга келтирди. Хоразм, Ўрта Сирдарё ҳавзасидан бошланиб Марказий Осиёнинг катта қисмига таъсир кўрсатган Кантой, жанубда македониялик Александр юришларидан кейин шаклланган Юнон-Бақтрия, жануби-ғарбда Парфия, Марказий ва Жанубий Осиёда улкан салтанатга айланган кушонлар даври, африйгилар Хоразми, хионийлар, кидарийлар, абдайлар, Буюк турк хоқонлиги, унинг таркибига ўзига хос автоном ҳуқуқлар асосида кирган Сугд конфедерацияси, Уструшана, Фрагана, Тохаристон ва бошқалар, араб истилосидан кейин ислом даври ўрта аср давлатчилиги жараёнлари — буларнинг барчаси бир томондан ўзбек давлатчилигининг тарихий одимларидир.

Ўзбек давлатчилиги тарихи бир чиқиқли тадрижий, яъни текис динамик жараён бўлган эмас. “Авесто”да айни бронза даври ва илк темир асрлари ҳолатига кўра, жамиятнинг бошқарилиш хусусиятларини акс эттирувчи қатор муҳим ижтимоий тушулчаниклар эди. Шунга кўра, “Авесто жамияти”, деб шартли равишда аталадиган ижтимоий



Янги тахирдаги Конституциямиз муқаддимасида “давлатчилигимиз ривожининг уч минг йилдан зиёд тарихий тажрибаси, шунингдек, жаҳон цивилизациясига бекиёс ҳисса қўшган буюк аждодларимизнинг илмий, маданий ва маънавий мероси” алоҳида таъкидланади.



вазиятни минтақада давлатчиликнинг илк куртак босқичи деб баҳолаш мумкин. Бу даврда ибтидий уруғчилик анъаналаридан қишлоқ жамоа бирлиги сари қадам қўйилган. Оила жамиятнинг ижтимоий хўжалик бирлигига айланган. Мулкый ва ижтимоий табақаланиш қишлоқ жамоа бирликлари ўртасида хўжалик-иқтисодий муносабатларини пайдо қила бошлаган.

Ўзбек давлатчилиги жараёни нотекис чиқиқларда узлуксиз давом этган. Бу ўртада “узилиш”лар деб ҳисоблаш мумкин бўлган оралиқлар минтақа халқлари бошига тушган улкан босқинчиликлар даврига тўғри келган. Босқинчиларнинг ўзлари тасарруфига қиритган ўлкалар бошқарувида маҳаллий халқлар вакилларидан фойдаланган.

Масалан, аҳамонийлар салтанатининг сатрапликлари қаторига кирган Марказий Осиёни бошқариш ишлари анъаналарида



маҳаллий маҳкамачилик усуллари етакчи ўрин тутган. Натижада аҳамонийлар даврида жорий қилинган оромий тили маҳкамачилик ишлари Сугд, Хоразм, Парфия сингари давлатларда тез орада маҳаллий тилда иш юритадиган бошқарув тизимига айланган.

Бу жараёнда оромий ёзуви ҳарфлари маҳаллий тиллар товуш хусусиятларига мослаштирилиб, маҳаллий хоразмий, сугдий, парфийнинг ва оромий бохтарийни каби ёзувлар яратилган. Сугдий ёзув кейинчалик Буюк ипак йўли бўйлаб халқро ёзувга айланган. Сугдий ёзув туркий, мугулий манжурий, корейс ҳарф-товуш ва бўғин ёзув тизимлари учун прототип (аждод) ёзув вазиасини бажарган.

Аҳамонийлар салтанати миллатдан аввалги 559-330 йилларда ҳукм сурган ва Қадимги Шарқ дунёси катта қисмининг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий ҳаётида чуқур из қолдирган. Бу мустабид, босқинчи салтанат бўлишига қарамай, улкан ҳудудда нисбий барқарор сиёсий ҳаётни таъминлаган. Бошқарувнинг ўз даври учун фалол шакллари йўлга қўйган. Мисрдан Ҳиндистонгача, Олд ва Кичик Осиёдан Ўрта Осиёгача турли халқларнинг ўзаро бир-бирини таниш,

маданий-маънавий дунёси билан ошно бўлиш, савдо-иқтисодий муносабатлар орқали ишлаб чиқариш технологиялари тажрибаси алмасувига асос бўлган. Маънавий дунёнинг илгор тенденциялари тарқалиши учун имкон яратган. Пойтахти Персепол билан биргаликда Бобил, Суза, Экбатанда ҳам бўлган.

Салтанат бўйлаб почта хизмати, қарвон йўллари бунёд этилган. Халқлар ўртасида яқинлашуви янада жонланган. Шунингдек, маъмурий тизим фаолиятида изчил назорат, ижрония ҳокимияти ривожланган. Давлат миқёсида дарик деб аталган ягона пул бирлигининг жорий қилиниши ҳам иқтисодий ва молиявий сиёсат тажрибаси сифатида катта аҳамият касб этган.

Аҳамонийлар даври умумдават ягона қонунчилик амалиётини ҳам шакллантирган. Бу сиёсий тажриба ҳам Шарқ халқлари ижтимоий-сиёсий ҳаётини тартибга солишда асрлар оша таъсир кўрсатиб келган. Ўша даврдаги бу жонланиш, аввало, салтанат хазинасини имкон қадар босиб олинган ўлкалар ҳисобидан тўлдиришни мақсад қилгани шубҳасиз. Бироқ бу жараён беихтиёр ва билвосита қарам ҳудудларнинг ривожига ҳам объектив таъсир кўрсатган.

Аҳамонийлар даври инсоният тарихида кўп халқлар учун ўзига хос дунё танув даврига айланган. Салтанат бўйлаб қарвонлар ҳаракати, улар билан ҳамроҳликда сайёҳлар, олимлар, ҳунар ва санъат аҳлининг ҳаракати маданиятлар уйғунлашуви сари йўл оча ботган.

Жумладан, Марказий Осиё халқлари вакиллари ҳам аҳамонийлар салтанатининг турли шаҳарларида яшаган. Ўша давр ёзма ёдгорликларида шак қабилалари, сугдийлар, хоразмийлар бошқа масъул вазибаларда салтанатнинг турли шаҳарларида хизмат қилгани ҳақида ишончли маълумотлар бор. Аҳамонийлар қўшини таркибига сўғдийлар, хоразмийлар, шаклар ва бошқа халқлар катта мавқега эга бўлган. Марафон жангида шак отлик аскарлари юнонлар қўшинининг марказини тўзғитиб, катта жасорат ва ҳарбий маҳорат кўрсатган.

Аҳамонийлар салтанати шаҳарларида аҳолининг этник ранг-баранглиги оддий тус олган. Мисрликлар, бобилликлар, қарийлар, лидияликлар, мидияликлар, яхудиайлар, ҳиндлар, шаклар, бохтарийлар, сугдийлар, хоразмийлар ва бошқа халқлар вакиллари ёнма-ён яшар, бирга меҳнат қилар эди. Шундай қилиб, турли халқларнинг моддий ва маънавий дунёси ягона майдонда бир-бирини бойитиши учун имкон яратилган.

Ўша даврда қарвон йўлларида, уларни ҳимоя қилишга алоҳида аҳамият берилган. Натижада бутун салтанат бўйлаб савдо-иқтисодий муносабатлар ривожланган. Эрон ва Марказий Осиёда яратилган ноёб ҳунармандчилик ашёлари Жанубий Сибир минтақаси археологик ёдгорликларидан топилиши ушбу алоқалар географиясининг ниҳоятда кенглигини кўрсатади.

Баён этилган ушбу ижобий жараёнлар аҳамонийлар салтанати ҳақида бирёқлама тасаввур уйғотмаслиги лозим. Чунки қайд этиб ўтганимиз — ижобий ҳодисалар ортда Эрон салтанати юқини кўтариб, оғир меҳнат, оғир соликлар, ҳарбий хизмат ва мажбурий меҳнатга тортиш ва бошқа зулмлар остида эзилган халқлар турган эди. Салтанат ўз ҳукмронлигини сақлаш учун халқнинг нафратини ва озодлик учун кураш ҳаракатларини бостириб туришга мажбур эди.

Аҳамонийлар салтанати илк империялар даражасига етган улкан салтанат бўлгани билан аста-секин ичидан емирила бошлаган. Унинг таркибига кирган халқларнинг

озодлик учун кураши салтанатнинг тинч яшашига имкон бермаган. Бунинг устига тахт учун тинимсиз кураш, жойлардаги сиёсий мустақиллик учун ҳаракатлар охир-оқибат салтанат таназулига сабаб бўлди. Бу жараёни барвақт баҳолашга эришган Хоразм аҳамонийларга тобелик сиртмоғидан эрта қутулган ва миллатдан аввалги IV аср ўрталарида мустақилликка эришган.

Хусусан, македониялик Александр босқинчилиги даврида унинг ҳузурига Хоразмшох Фарасманнинг давлат дипломатик миссияси билан бориши ва иззат-ҳурмат билан қутиб олиниши шундан далолат. Айни шу жараён Хоразм минтақаси археологик ёдгорликларида ҳам ўзига хос тарзда акс этган. Масалан, Девексанқалъа иншооти аҳамонийлар сулоласи ҳукмронлиги даврида Хоразм устидан назоратни қучайтириш мақсадида қуриб бошланган, бироқ охирига етказилмай ташлаб кетилган. Айни шу чала қолган қурилиш аҳамонийларнинг асарларида ҳам алоҳида қайд этилган. Ҳатто Александр шарқ подшоли анъаналарига ҳаваси келиб, шарқона кийинишни одат қилгани, Окцидартнинг қизи Рухшанака уйланиши сафдошларининг норозилигига сабаб бўлгани ҳам маълум. Бу жоҳарлардан бирида Александр энг яқин сафдошларидан бирини ўлдириб қўйган.

Қолаверса, македониялик Александр Сўғд, Бохтари юртларини бошқаришга Вахшубард (Окцидарт), Ховарён (Хоризён) каби маҳаллий эодгонларни жалб қилишга мажбур бўлган. Чунки Александр маҳаллий халқларни ионончасига зулм билан бошқариш мумкин эмаслигини тушуниб етган ва муроса йўлини танлашга мажбур бўлган. Бу каби воқеалар Александр тарихчиларининг асарларида ҳам алоҳида қайд этилган. Ҳатто Александр шарқ подшоли анъаналарига ҳаваси келиб, шарқона кийинишни одат қилгани, Окцидартнинг қизи Рухшанака уйланиши сафдошларининг норозилигига сабаб бўлгани ҳам маълум. Бу жоҳарлардан бирида Александр энг яқин сафдошларидан бирини ўлдириб қўйган.

Александр юришлари қарийб уч йил давомида ғолибона ҳарбий босқинчиликдан кўра, маҳаллий халқларнинг озодлик учун тинимсиз кўзголонларига қарши кураш тусини олгани тарихий ҳақиқат. Бу каби ҳолат аҳамонийлар салтанати даврида ҳам босқинчилик тартиблик бермаган эди. Ҳатто Куруш (Кир II), буюклик даъвоси билан келган Эрон подшоиси Дараявахш (Доро)ларни халқ нафрати эсанқиратган. Тумарис ғазоби Кирнинг ҳалокатига айланган. Широкнинг жасорати Дорони ҳайратга солгани халқнинг хотирасидан ўчмай туриб, кириб келган янги босқинчи Александрга қарши аждодларимиз ғазоби ва нафратининг шиддати олдида юнон-македонлар ҳам ожиз қолгани рост.

Аҳамонийлар даври салтанат ривожининг авж босқинчида юзага келган давлат бошқарувининг илгор тажрибалари унга қарам ўлкалар халқлари учун ҳам манфаатли бўлди. Бу тажрибанинг илгор унсурлари асрлар оша кейинги тарихий давлатчилик босқинчиликда амалда давом этди. Бироқ аҳамонийлар салтанати қарам сатрапликлар халқларининг машаққатли меҳнати, ҳар йили юзлаб талант (ҳар бир катта талант 67 килограммдан, кичикли эса 30-33 килограммгача) миқдорда қумуш солиғи юки остида чеккан азоб-уқубатлари ҳисобига яшаган. 230 йилга яқин ҳукм сурган империя охир-оқибат қўл остидаги халқларнинг озодлик учун тинимсиз кураши, давлат сиёсий ҳаётидаги ички низолар зарби остида сўна борди. Ниҳоят, жаҳонгирлик орзуси билан яшаган македониялик Александр ҳамласига дош беролмай қулади.

Мирсодиқ ИСҲОҚОВ,
тарих фанлари доктори,
профессор

ҲАҚИҚАТНИНГ ҲИМОЯСИ ХАЛҚ УЧУНДИР

Энг аввало, ўтинчим шу — уйғонайлик, Пок тилаклар шуқуҳига чулғанайлик, Ҳақиқатнинг ўчоғида чўлғанайлик, Қайси дилда инсоф устун, ор устундир, Ҳақиқатнинг ҳимояси халқ учундир!

Ўзга ҳақи ўзгага ҳеч вафо қилмас, Ким кафилдир — у болангга жафо қилмас. Сир бормикан, бу дунёда Худо билмас, Хиёнат бу ҳимоясиз бир тутундир, Ҳақиқатнинг ҳимояси халқ учундир!

Оламдаги тиниқ кўзгу — халқ кўзгуси, Унда ҳатто кўрингайдир дил туйғуси, Ҳақдан кўркиб, ким халқидан уялгуси, Гуноҳ қилмас, майли очдир ё юпундир, Ҳақиқатнинг ҳимояси халқ учундир!

Коррупция лаънатланган иллат эрур, Ҳалолликнинг ҳидояти ибрат эрур, Эл дуоси эллараро ҳикмат эрур, Дуо олган қалб хотиржам, юз гулгундир, Ҳақиқатнинг ҳимояси халқ учундир!

Миллий кенгаш — миллат қадрин қалқонидир, Кенгашмоқлик — одилликнинг имконидир, Кенгаш тутмоқ — Амир Темур фармонидир, Хар муаммо кўнгил ичра бир тугундир, Ҳақиқатнинг ҳимояси халқ учундир!

Олма пишиб, оғзимизга ўзи тушмас, Бир қанотда ахир ҳатто чивин учмас, Бугун бизга бирлик керак, бошқа ишмас, Халқ бирлашса, Чўлпон айтган — “Халқ тўлқиндир!” Ҳақиқатнинг ҳимояси халқ учундир!

Харомхўрлар очиб қўйган туйнуклар бор, Эл-юрт мулкин “туя қилмоқ” уларга қор, Билмайдилар озор йўлин ёни мазор, Буюрмаса, олтин — тошдир, пул — қукундир, Ҳақиқатнинг ҳимояси халқ учундир!

Яқин тарих — ўзбек учун хорлик минг бад, Не азоблар, не каззоблар кўрди миллат. Қотилларни ургай албат тавқи лаънат! У ўтмишга боқсанг ҳамон дил забундир, Ҳақиқатнинг ҳимояси халқ учундир!

Коррупция — таъкидлади эл султони, — бу жамият танасининг саратони. Бўлса агар одамзоднинг пок иймони, Билсин, дўзах оловиға шу учкундир, Ҳақиқатнинг ҳимояси халқ учундир!

Қайси элда мезбон одил — яйрар қўноқ, Қайси юрда тараққийг — поклик чирок, Ўзбек шундай: бор дунёга очар қучоқ, Бугун янги Ўзбекистон бир ёлқиндир, Ҳақиқатнинг ҳимояси халқ учундир!

Маҳмуд ТОИР,
Ўзбекистон халқ шоири



“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари таҳририяти) ДМ

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Таҳририятга келган қўлхатлар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул.
Босмахона телефони: (71) 233-11-07.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. **Буюртма** Г-346.
37346 нусхада босилди.
Ҳажми — 3 табоқ. **Офсет** усулида босилган. **Қоғоз бичими** А2. Баҳоси келишилган нархда.

“ШАРҚ” наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Тўрон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Боборовшан Ғозиддинов
Мусахҳис: Маллоҳат Мингбоева
Дизайнер: Зафар Рўзиев

Манзилими:
100060, Тошкент шаҳри,
Шаҳрисабз кўчаси, 85-уй

Тошпирилди — 22:10

Қабулхона: (71) 233-56-33 Девонхона ва эълонлар: (71) 233-70-98 E-mail: info@yuz.uz Веб-сайт: www.yuz.uz; (71) 233-47-05

Коинот каби чексиз билим баҳоси


Қадимда бир мамлакат ҳукмдорининг фарзандини доволаб оёққа турғизган табиб ҳақидаги ҳикоятни билсангиз керак. Боласи шифо топишдан боши кўкка етган шох “Тила тилагингни, истаганингни муҳайё қиламан”, деб айтганида машхур табиб на бойлик, на мансаб сўраган. Фақат сарой кутубхонасидан доимий фойдаланишга изн берилишини энг катта мукофот деб билган.

Бу воқеа бугун кимгадир чўпчак бўлиб туялиши мумкин. Аслида, илм ўрганишини ҳар қандай моддий бойликдан устун қўядиганларни учратиш имконсиздек бўлиб қолган эса-да, барча замонда топишган. Улар барча нарсанинг қалити бўлган илм билан шугулланишни уй-жой, машина ёки бошқа бирор катта имтиёзга олишмайди...

Илм аҳли орасида машхур француз математиги Анри Перельманинг уч ўлчамли сирт ҳақидаги 1900-йиллар бошида эълон қилинган ўта мураккаб гипотезасини салкам бир аср давомида дунёнинг манаман деган математик олимлари, академиклари еча олмаган. Орадан оз йил ўтмишига бошқа бир олим — Григорий Перельман уни исботлаб дунё олимларини ҳайратга солди. Ушбу жумбоқли фарзани асослаб бера олган инсонга олдиндан ваъда қилинган бир миллион доллар мукофотдан воз кечгани эса бундан ҳам тааж-жубланарли. Кейинчалик бу катта маблағ турли хайрия ишларига, ёш олимларни қўллаб-қувватлашга йўналтирилган экан.

Бу ҳолат бир умр катта шаҳардаги кичкина уйда ҳаста онаси билан камтарона ҳаёт кечириб келган бир инсоннинг шахс ва улкан олим бўлиб етишишида китоб, билим ва маърифатнинг улкан таъсири, десак тўғри бўлади. Мазкур ҳаётий воқеа тўғрисида ёзувчи Абдуқаюм Йўлдошев қаламига маъсуб “Пуанкаре” номли бадий-фалсафий қисса асосида бадий фильм ишланганидан ҳам хабардор бўлсангиз керак.

Булар ҳаммаси бевосита у ёки бу олимнинг истеъдоди, шахси ҳақида эмас. Айнан инсонларнинг чуқур билим, маданият, маърифат эгаси бўлиб етишишида китобнинг аҳамияти нақадар катта эканига ҳаётий мисоллар, ҳолос.



УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ
ЎҚИШ УЧУН QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!



Китоб муталааси маданияти ва маънавияти, руҳияти, ўлмас қадриятлари жамланган кутубхоналар фаолияти бугун ҳам аҳамиятини йўқотган эмас. Тўғри, айрим жойларда объектив ва субъектив сабабларга кўра, улар сони нисбатан камайиб кетганини инкор этолмаймиз. Лекин бу фактни муталаага имконият кам деб асло талқин этиб бўлмайди.

Маълумотларга кўра, бугун юртимизда 13,1 мингта ахборот-кутубхона муассасаси фаолият юритмоқда. Бу рўйхатда олд қаторларни Самарқанд, Қашқадарё, Тошкент ва Сурхондарё вилоятлари эгаллаб турибди. Бундай қиёс-лашда мазкур ҳудудлар майдони ва аҳолиси сони каби омилларни назардан қочирмаслик лозим, албатта.

Мамлакатимизнинг умумий кутубхона фонди 43,5 миллион нусхаси ташкил этгани ҳолда, энг юқори кўрсаткич Тошкент шаҳрида — 14,3 миллион ва Андижон вилоятида — 6,1 миллион нусхада деб қайд этилган. Бухоро ва Наманган вилоятларидаги кутубхоналар фонднинг ҳар бири 3 миллион нусхадан ошар экан. Тадқиқотларда қайд этилган яхши маълумотлардан бири шуки, кутубхоналаримиздан фойдаланувчиларнинг энг фаол тоифаси 15-24 ёш оралиғидаги йигит-қизлардир.

Имкониятлар кенгайса ҳам китобга қизиқиш сусаймасин

Интернет, рақамли технология пайдо бўлган, унинг имкониятлари даярли барча соҳага, жумладан, кутубхоналарга ҳам тағбиқ этила бошлади. Аҳоли ўртасида интернет орқали электрон китоб ўқиган маъқули ёки асл шаклида, бунинг китобхоналар учун қўлайлиги, қай бири самарали таъсир этиши каби жиҳатлар бора-сидаги қарашлар анча баҳс-мунозарарга сабаб бўлди.

Кутубхоналар аҳамияти билим олишимиз учун неча асрдан буюн хизмат қилиб келаётгани билангина улчанмайди. Мазкур мавзуда айнан илм эгалари томонидан саноксиз мақолалару илмий тадқиқотлар езилгани бежиз эмас. Шу боис, масаланинг бугунги ҳолатига бир қур назар ташлаш сўз юритилаётган мавзу аҳамиятини чуқур англашга ёрдам бериши шубҳасиз.

Китоб, муталаа, кутубхоналар қадри амавий миллатлар, халқлар доирасидан чиқиб, аллақачон умумбашарий қадриятга айланган.

Халқаро кутубхоналар ассоциацияси ва муассасалари федерацияси маълумотиға кўра, ҳозир аҳолисининг ярми кутубхонага аъзо ёки доимий фойдаланувчи сифатида рўйхатдан ўтган мамлакатлар бор ва улар бу билан фахрланади. Демак, бугун технология имкониятлари боис, ахборот ва маълумотларни тез топиш мумкин, дейилгани билан кутубхоналар ўз долзарблиги ва аҳамиятини йўқотган эмас. Улар барибир чуқур билим олиш, тафаккурни чархлаш борасида асосий, ишончли манба бўлиб қолмоқда. Зеро, китоблар, кутубхоналар ижтимоий тармоқлар каби кибербуллинг

(рақамли технология орқали қўрқитиш, ҳақоратлаш, фирибгарлик қилиш, инсон шахсиятини ҳақоратлаш), дезинформация билан шугулланмайди. Аксинча муҳим ижтимоий институт бўлиб, давлат ислохотлари орқали илгари сурилаган демократик ғояларни амалга ошириш, фан ва таълим, ижтимоий ривожланиш, иқтисодиёт, маданият ривожига самарали таъсир кўрсатадиган.

Афсуски, кутубхона зерикарли, ҳеч қизиқ жойи йўқ, дегувчилар ҳам топилади. Бу ҳолат бундай нотўғри тасаввурга эга одамларнинг китоб муталаасига қизиқиши суст эмас, балки уларда китоб ва кутубхонанинг ёшлар маънавияти, келажакка қай даражада ижобий таъсир кўрсатадиганлиги тўғрисида тўғри тушунча йўқ, деган ҳуло-са беради.

Мақолани ёзиш жараёнида Чилонзор туманида жойлашган Тошкент шаҳри “Билим” ахборот-кутубхона марказига бордик. Эрталаб бўлишларга қарамай, ўқув зали ва бошқа тегишли бўлимларда тасаввуримдан анча зиёд ўқувчи бор эди. Кутубхоналар иш вақти соат 9:00 дан (баъзи жойларда 8:30 дан) йўлга қўйилган. Бу ерда керакли китобни олиб, мук тушиб ўқишда ҳилос, деган тасаввурлар аллақачон эскириб бўлган экан. Бугун уларнинг имконияти бутунлай илгариллаб кетганига амин бўлмай илож йўқ. Тегишли маълумотларни олиш учунгина эмас, касбини, таъбир жои бўлса, ҳаётини бевосита шу масканга боғлаган ҳодимлар билан учрашиб мавзу борасидаги фикр-мулоҳазаларни тингладик.

— Кутубхоналарнинг асосий вазифаси — кенг жамоатчилик фойдаланиши учун турли йўналишдаги босма махсуслотларни тўплаш ва сақлаш, тарғиб қилишдан иборат, — дейди Тошкент шаҳри “Билим” ахборот-кутубхона маркази директори ўринбосари Севара Худойбердиева. — 173 минг китоб фондига эга кутубхонамизнинг 13 мингдан ортиқ аъзоси бор ва бу оз эмас. Умуман, кутубхоналар афзаллиги ҳақида сўз юритмас, бу ердаги китоблар фақат соҳаларга кўра эмас, балки китобхоналарнинг ёши ва касби, қизиқишларига кўра ҳам сараланиб, тизимлаштирилган.

Зиё масканларининг асосий устувор жиҳатларидан бири — бу ердаги хотиржам ва сокин муҳит. Шу боис, уларни бошқа машғулот чалғитмайди, ҳеч нарса халал бермайди. Аксинча зиёга иштилоқ эзгу фикрларни уйғунлаштирилади. Кутубхонамиз бугун китобхоналаримизнинг иккинчи уйи, десам муболағига йўйманг. Фаолиятимда гувоҳи бўлиб қўйиб турибманки, кутубхоналар бугун ҳам жамиятда ўз ўрнига эга ва уларга талаб оз эмас. Ахборот, бадий, илмий адабиётларга эҳтиёж барча ёшдаги инсонларда мавжуд. Тўғри, бугун аксарият ёшларни кўнгилочар марказларда учратиш мумкин. Лекин фаолиятимдан келиб

чиқиб баралла айта оламани, кутубхонамиз аъзолари, умуман, китобхоналар сафи кенгайиб бораётти. Қолаверса, кутубхоналар замон талабларидан келиб чиқиб, барча турдаги ресурслар билан таъминлангани ўқувчилар сафини кенгайтиришда муҳим аҳамият касб этаётти.

Жумладан, барча турдаги адабиётлар, турли фан ва соҳаларга оид илмий ишланмалар, электрон китоб, аудио китоб, даврий ва хорижий нашрлар, хорижий маълумотлар базаси, Wi-Fi зоналар мавжудлиги ёшларнинг вақтини унумли ўтказишга кенг имконият яратмоқда.

Китобхоналар қизиқишини ўрганиш мақсадида сўровномалар ўтказилади. Уларга қандай адабиётлар кераклиги, ахборот-кутубхона хизматларининг қайси турлари маъқуллиги каби саволлар билан мувожаат қилинади.

Бугунги кутубхоналарда жуда кенг ва катта қўламдаги китоблар, даврий нашрлар, электрон ресурсларни ҳам топиш мумкин. Ҳатто кўллаб кутубхоналар илмий кутубхона ва журналлар сайтига боғланган. Бу, ўз навбатида, керакли маълумотларни тез ва осон топа олиш, турли соҳаларга оид долзарб тадқиқотлар билан танишиш имконини беради. Бундан ташқари, бу жой китобхонликка оид фойдаланиш мавзулар ва бошқа тадбирлар ўтказилаётгани билан қизиқарли.

Ишонч ва қарашлар кўзгуси

Муайян маънода таълим вазифасини ҳам бажарадиган кутубхоналар аҳолининг илм олиш, дунёни англаш борасидаги қарашларини белгилаб берувчи универсал воситалардан бири бўлиб келган. Универсаллик эса ижтимоий қатламлар белгилари ва критериялари, жамиятдаги ўрни, аҳолининг қарашлари борасида социологиянинг асосий тушунчаларини белгилаб беради, дейди мутахассислар.

Мамлакатимизда китоб махсуслотларини чоп этиш, аҳолининг китобхонлик маданиятини юксалтириш ва тарғиб этиш, китобхонлик тадбирлари, байрамларини ўтказиш юзасидан қатор меъёрий ҳужжатлар, қарорлар қабул қилинганки, аҳолининг китобхонлик маданиятини ошириш доим давлатимиз сиёсатининг устувор масалаларидан бири бўлиб келганини ифода этади.

Масалан, “Китобсевар миллат” ғояси асосида ёшларда муталаа маданиятини шакллантириш умуумийлиги ҳаракатга айланди. Хусусан, ақинда давлатимиз раҳбарининг мамлакатимиз ёшлари билан мулоқотида ёшлар билан ишлаш самарадорлигини кучайтириш чора-тадбирлари муҳо-ка қилинди, фол ёшларнинг тақдирлари тинг-ланди. Бу, аввало, келажакимизни бунёд этишда ёшларга катта ишонч намунаси, десак муболаға бўлмайди. Зеро, Президентимиз юртимиз ёшлари тисмолида янги Ўзбекистоннинг бугунги ва эртанги бунёдкорларини қўраётганини алоҳида таъкидлаб, бундай деди: “Буюк шоиримиз Эркин Воҳидов айтганидек, ёшлик — бу қалбнинг ол-тин сози. Бунга қўшимча қилиб, ёшлар — халқимизнинг, Ватанимизнинг олтин фонди, десак тўғри бўлади.

Аҳолиимизнинг 60 фоизини айнан ёшлар таш-кил этиши ҳам бу фикрни тасдиқлайди. Бугунги кунда биз мард ва матонатли халқимизга, сержай-рат ёшларимизга ишонганимиз учун ўз олдимизга катта-катта мақсадлар қўймоқдамиз, маррани бандан олмақдамиз.

Келгусида Учинчи Ренессанс пойдеворини яратадиган янги Хоразмийлар, Берунийлар, Ибн Синолар, Мирзо Улугбек ва Алишер Навоийлар қаредан пайдо бўлади? Бу улкан вазифаларни ким бажаради?

Мен қайта-қайта тақдорлардан чарчамайман. Албатта, бу эзгу ғояларни сизлар — бугунги янги Ўзбекистон ёшлари амалга оширасизлар!”

Қўзланган эзгу мақсадга эришиш йўлидаги мунтазам ҳаракат ана шундай юксак ишончни оқлайди. Билим олиш, маънавият ва маърифатга интилиш эса муталаага бўлган эътиқодимизни мустақамлайвериши шубҳасиз.

Рустам БОЙТЎРА,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири



ГАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА
АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБАСИДА ЎҚИШ
УЧУН МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

